

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўл ёзма ҳуқуқида

УДК: 336.5:336.77(575.1)

АБДУЛЛАЕВ Ш.А.

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА УЗОҚ МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАШ
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

5A230701-Банк иши (фаолият турлари бўйича) мутахассислиги

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: и.ф.н. Азларова А.А

ТОШКЕНТ 2018

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА УЗОҚ МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАШ МЕХАНИЗМИНИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ.....	9
1.1.Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда банкларнинг узоқ муддатли кредитларининг роли.....	9
1.2.Ўзбекистонда тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитлаш механизмини ҳуқуқий асослари.....	22
I-боб бўйича хулоса.....	33
II БОБ. Тижорат банкларида узоқ муддатли кредитлаш механизмининг замонавий ҳолати ва унинг таҳлили.....	35
2.1. Ўзбекистонда инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг амалдаги ҳолатининг таҳлили.....	35
2.2. Тижорат банкларининг кредит портфели ва унда инвестицион кредитларнинг динамикаси.....	43
2.3. АТ “Халқ банк ” банкда инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг амалдаги ҳолатининг таҳлили.....	48
II -боб бўйича хулоса.....	56
III БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА УЗОҚ МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.....	58
3.1. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари.....	58
3.2. Тижорат банкларида узоқ муддатли кредитлаш механизмининг истиқболлари.....	64
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	70
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	73

Кириш

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий шароитнинг барқарорлиги, қонун устиворлиги, ички бозорнинг катталиги, табиий ресурсларга бойлиги, интеллектуал салоҳият юқорилиги, банк-молия тизимининг барқарорлиги, инфраструктура ва логистиканинг ривожланиши, солиқ сиёсатининг мосланувчанлиги, хорижий инвесторларнинг хусусийлаштириш жараёнларидаги иштироки, фойдани репатриация қилиш имкониятлари, хорижий капитал иштирокидаги корхоналарга қўшимча қулайликлар яратиб берилиши каби имтиёз ва преференциялар чет эл инвесторларининг Ўзбекистон фойдасига муҳим бир қарорга келишига хизмат қилувчи мезонлар бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда республикамызда кредитлашнинг ўсиши, асосан, тармоқ ва ҳудудларни ривожлантириш давлат дастурларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган аҳолини қўллаб-қувватлашга тўғри келмоқда.

Бу борада Президентимизнинг Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномасида келтирилган асосий ғоя ва таклифларда, “Энг ёмони, истиқболли йирик лойиҳаларни белгилаш ва амалга оширишда жиддий хатоликларга йўл қўйилгани, хорижий кредитлар самарасиз ишларга сарфлангани иқтисодиёт ривожига халақит бермоқда.

Биз, аввало, четдан кредит ва сармоялар олиб келиш бўйича самарали тизим яратишимиз, ҳар бир кредитни аниқ ишлатишни ўрганишимиз лозим. Бу масалада етти ўлчаб, бир марта кесадиған, оқибатини пухта ўйлаб иш олиб борадиған давр келди¹” деб таъкидлаб ўтганлари бежиз эмас.

Маълумки, жаҳонда «Doing Business» тадқиқи ва баҳоси давлатлар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси

ривожига катта ҳисса қўшади, жумладан, ишбилармонлик ва рақобат муҳитини кучайтиради, инвесторлар ва уларга талабгор давлатлар учун «ишончли кўприк» вазифасини ўтайди.

Ўзбекистон ушбу рейтинг бўйича тобора юқорилаб, ўз имкониятларини оширмоқда. Буни юртимизга катта қизиқиш билдираётган хорижий инвесторлар хатти-ҳаракатлари ҳам тасдиқлаб, Ўзбекистон «Doing Business»нинг сўнгги ҳисоботида иқтисодиётни яхшилашнинг беш босқичи бўйича мамлакатимиз энг мақбул ва катта ўзгаришлар қилган кучли ўнлик (давлат) сафидан ўрин олганлиги таъкидланди.

Зеро, мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек: “Бугун мамлакатимизнинг барқарор ривожланиш йўлида изчил илгарилаб боришини таҳлил қилар эканмиз, ўтган йили принципиал муҳим ислохотларни амалга ошириш бўйича қатъий қадамлар қўйилди, деб айтишга барча асосларимиз бор.”²

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида ҳозирги вақтда амалга оширилаётган тузилмавий ўзгаришлар, энг аввало банк тизими билан бевосита боғлиқ бўлиб келмоқда. Чунки Республикамизда режалаштирилган инвестиция программасини амалга оширишда ўтиш даврига хос бўлган молиявий ресурсларнинг чегараланганлиги сезилмоқда. Шунинг учун ҳам банкларнинг узоқ муддатли кредитларидан самарали фойдаланиш ҳам муҳим масалалардан бири ҳисобланиб, республикамизда ялпи ички маҳсулотнинг изчил ўсиш суръатларини таъминлашда, тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитларининг аҳамияти катта бўлмоқда.

Инвестиция лойиҳаларини илмий асосланган ҳолда ўрганиш, мукаммал экспертизадан ўтказиш ва тўғри инвестицион қарорлар қабул қилиш орқали тижорат банклари томонидан узоқ муддатли кредитлаш механизмини такомиллаштириш, пировард натижада иқтисодий ўсишга ва мамлакат тараққиётига эришишга олиб келади. Шу жihatдан, республикамиз тижорат

² Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. // Халқ сўзи. 15.01.2017.

банкларида узоқ муддатли кредитлаш механизми билан боғлиқ муаммоларнинг мавжудлиги ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишнинг зарурлиги ушбу магистрлик диссертацияси мавзусининг долзарблигини асослаб беради.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқотнинг предмети бўлиб тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитлаш механизми билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар, ҳамда инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг самарадорлигини ошириш жараёнининг амалиётида юзага келадиган инвестициявий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари, томонидан тижорат банкларида узоқ муддатли кредитлаш механизмини амалиёти ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади - Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида инвестицион лойиҳаларнинг иқтисодий ва молиявий самарадорлигини такомиллаштиришни назарий жихатдан ўрганиб, олинган натижалар асосида, тижорат банкларида узоқ муддатли кредитлаш механизмини такомиллаштириш йўллари юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Қўйилган мақсаддан келиб чиқиб, ишда қуйидаги **вазифалар** белгилаб олинди:

- тижорат банкларида узоқ муддатли кредитлаш механизмининг назарий ва услубий асосларини тадқиқ этиш ва илмий хулосаларни шакллантириш;

- тижорат банкларида узоқ муддатли кредитлаш механизмининг замонавий ҳолатини таҳлил қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида узоқ муддатли кредитлашдаги муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

- тижорат банкларида узоқ муддатли кредитлаш механизмини такомиллаштириш йўллари юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Илмий янгилиги. Тадқиқотнинг илмий янгилиги бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

— тижорат банкларида узоқ муддатли кредитлаш жараёнида, инвестиция лойиҳаларининг комплекс экспертизаси сифатини ошириш мақсадида, инновация лойиҳаларини комплекс экспертиза қилиш жараёнига малакали мутахассисларни жалб этиш, мураккаб технологияга асосланган лойиҳалар экспертизасига хорижий мамлакатлардан малакали экспертларни жалб қилиш, технологик занжирда узилишларнинг юзага келмаслиги учун янги техника ва технологияларга ишлатиладиган хом-ашёнинг сифат жиҳатдан мос келишини таъминлаш, лойиҳа бўйича пул оқимини режалаштиришда унга таъсир этувчи омилларни олдиндан ҳисобга олишнинг зарурлиги асослаб берилди;

— инвестиция лойиҳалари самадорлигини баҳолашда ўзаро боғлиқ бўлган динамик кўрсаткичлар тизимини қўллаш тавсияси асослаб берилди;

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий сиёсат ҳудудлар ва тармоқларнинг ривожланишига инвестицияларни, хусусан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишга қаратилганлиги боис тижорат банкларининг кредит портфелида инвестицион кредитларнинг салмоғини оширишга бўлган эҳтиёж кучайиб бормоқда;

- тижорат банклари томонидан инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш жараёни тобора такомиллашиб бораётган бўлиб, бу импорт ўрнини босадиган ва экспортга йўналтириладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун маҳаллий тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга оширилмоқда.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи(таҳлили). Ҳозирга қадар тижорат банкларида инвестицион лойиҳаларнинг иқтисодий ва молиявий самарадорлигини такомиллаштириш бўйича хорижлик ва маҳаллий иқтисодчи олимлар бир қанча тадқиқот ишларини олиб боришган. Жумладан, бу олимлар молиявий инвестициянинг умумий таҳлили, макроинвестицион фаолият, яъни инвестицион лойиҳаларни инвестицион кредитлаш,

молиялаштириш масалаларига эътибор берганлар, хорижлик иқтисодчилар Авагян Г.Л., Ван Хорн Д.К., А. Бланк, В. Бочарев, Г. Арнольд, Ж. Кейнс, Ж. Альтман, О. Лаврушин, Х.У. Сото, Р. Щенинларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган³.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Ш. Абдуллаева, А. Омонов, О.К.Иминов, Д. Ғозибеков, У.А. Тухтабоев, Ш. Рўзметов ва бошқа олимларнинг илмий изланишларида тижорат банклари инвестицион фаолиятининг айрим назарий ва амалий жиҳатлари тадқиқ этилган⁴.

Улар ўз асарларида мамлакатдаги молиявий инвестиция муаммоларини кўриб чиқдилар, аммо ҳозирги даврда тижорат банкларида инвестицион лойиҳаларнинг иқтисодий ва молиявий самарадорлигини такомиллаштириш бўйича бир қанча муаммолар мавжудки, улар молиявий ва иқтисодий жиҳатдан етарлича ўрганилмаган.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Тадқиқотни амалга оширишда илмий – назарий таҳлил, қиёсий ва иқтисодий таҳлил, эмпирик таҳлил ва статистик таҳлил каби усуллардан кенг фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Мазкур магистрлик диссертациясида ишлаб чиқиладиган илмий таклиф ва амалий тавсиялар Ўзбекистонда тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитлаш

³ Авагян Г.Л. Экономический анализ деятельности коммерческого банка: учеб. пособие: - М.: Магистр, 2007. - 350 с.; Ван Хорн Д.К. Основы управления финансами. Пер.с англ.; Гл.ред.серии Я.В. Соколов. -М.: Финансы и статистика, 1996. -800 с.; , Иванов А.П. Финансовые инвестиции на рынке ценных бумаг. - М.: Дашков и К, 2012. - 480 с.; Нешиной А.С. Инвестиции: Учебник. - 3-е изд., перераб. и доп. - М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К». - 2005. - 160 с.; Бланк А.Инвестиции. - М.: Дело, 2008. - 260 с.; Бочаров В.В. Инвестиции: Учебник для вузов. 2-е изд.- СПб.: Питер, 2008.- 384 с.; Arnold G. Guide to investing the definitive companion to investment and the financial markets. - London: Prentice Hall, 2004. - 490 p.; Altmann. J. Wirtschaftspolitik: Auflage. -Stuttgart: CIP-Einheitsaufnahme, 2000. -692 p.; Кейнс Дж. М. Общая теория занятости, процента и денег : пер. с англ. -М: Гелиос АРВ, 1999. -352 с.; Щенин Р.К. Банковские системы стран мира. - М.: КноРус, 2010. - 400 с.; Лаврушин О.И. Банковское дело. - М.: КноРус, 2008. - 768 с.; Шарп У. Инвестиции. Пер. с англ. - М.: ИНФРА-М, 2006. - 744 с.; Сото Х.У. Деньги, банковский кредит и экономические циклы. Пер с англ. - Челябинск: Социум, 2008. - 663 с.

⁴Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. - Т.: Молия, 2002. - 304 б.; Омонов А.А. Тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш масалалари. И.ф.д. илм. дар. ол. учун дисс. - Тошкент, 2008. -32 б.; Тухтабоев У.А. Муаммолар кредитлар ва уларни бартараф этиш йўллари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. -Т.: 2007, -20 б.Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. - Тошкент: Молия, 2003. - 332 б.; Иминов О.К. Бозор иқтисодиёти шароитида кредит тизими ва уни такомиллаштириш масалалари. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. - Тошкент, 2001. - 282 б.; Иминов О.К. Бозор иқтисодиёти шароитида кредит тизими ва уни такомиллаштириш йўллари. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. -Т.: 2002, -; Рузметов Ш.Б. Ўзбекистон тижорат банклари депозит базасини мустаҳкамлаш йўллари. И.ф.н. илм. дар. ол. учун дисс. - Тошкент, 2009. - 186.

механизмини такомиллаштириш учун муҳим услубий-илмий асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Иш тузилмасининг тавсифи. Мазкур магистрлик диссертацияси кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлади.

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланади, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари аниқланади, муаммонинг ўрганганлик даражаси баён қилинади, тадқиқотнинг предмети, объекти ва субъекти танланади.

Биринчи бобда тижорат банкларида узоқ муддатли кредитлаш механизмининг назарий ва услубий асослари ўрганилади.

Иккинчи бобда тижорат банкларида узоқ муддатли кредитлаш механизмининг замонавий ҳолати арофлича таҳлил қилинади ҳамда тегишли хулосалар шакллантирилади;

Учинчи бобда тижорат банкларида узоқ муддатли кредитлаш механизмини такомиллаштириш бўйича илмий хулоса, таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилади.

I БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА УЗОҚ МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАШ МЕХАНИЗМИНИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Инвестицион лойихаларни молиялаштиришда банкларнинг узоқ муддатли кредитларининг роли

Бугунги кунда мамлакатимиз банк тизими асосий кўрсаткичларининг барқарор ўсиш суръати ва сифати, пул-кредит сиёсатини изчил олиб борилиши, кредит фоиз ставкаларининг тушириб борилиши, интеллектуал салохиятни ошириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг банк хизматларидан фойдаланиш даражасининг ўсиши, самарали банк назорати, молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлар асосида юритилиши, инвестициялардан аниқ мақсадларда фойдаланиш, инвестиция рискининг минимал даражага туширилиши тизимда инвестицион муҳитни яхшилашнинг муҳим омиллари бўлиб қолмоқда.

Банк тизимидаги ислохотлардан кўзланган асосий мақсад мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун зарур барқарор макроиқтисодий ва қулай инвестицион муҳитни шакллантириш ҳисобланади. Банкларнинг иқтисодиётдаги молиявий воситачилик ролини мустаҳкамлаш билан аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг ишончли ҳамкорига айланишга эришилади. Шу мақсадда Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббуси билан қабул қилинган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси⁵»да иқтисодиётни ривожлантириш, эркинлаштириш ва тартибга солишнинг долзарб устувор йўналишлари белгилаб берилган.

Банк тизими олдидаги долзарб масалалар, жумладан, валюта сиёсати ва бозорини халқаро талаб ҳамда андозалар асосида эркинлаштириш, миллий валюта барқарорлигини мустаҳкамлаш, унга эришишда пул-кредит сиёсати инструментларининг ролини кенгайтириш, банк тизимини замон талабларига

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли Қарори. 017 йил 2 феврал.

кўра ислоҳ қилиш, унинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, янги инновацион банк хизматларини жорий қилиш, кўрсатилаётган тхизматларнинг урларини кўпайтириш, ҳамда сифатини ошириш, каби вазифалар Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида белгиланган.

Республикамида банк тизимини ривожлантириш борасидаги ислохотлар куйидаги асосий йўналишларда олиб борилмоқда:

- тижорат банкларининг капиталлашув даражасини янада ошириш, аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш пул маблағларини банк айланмасига кенг кўламда жалб қилиш асосида уларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш;

- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жихатдан янгилашдаги банкларнинг иштирокини янада кенгайтириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда, уни молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат мақсадли дастурларини амалга ошириш ҳамда мамлакатда ишбилармонлик муҳитини сифат жихатдан яхшилаш ва пировардида янги иш ўринлари яратиш кўламларини ошириш жараёнларида фаол иштирок этиш;

- банк тизимида хорижий сармояларни кенг жалб қилиш ва шу орқали замонавий илғор корпоратив бошқарув амалиётларини кенг татбиқ этиш имкониятларини ошириш мақсадида тижорат банклари устав капиталидаги 15 фоиз улушини хорижий инвесторларга сотиш;

- тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш тизимини халқаро андоза ва меъёрлар, шу жумладан, банк назорати бўйича Базель қўмитасининг янги тавсиялари асосида янада такомиллаштириш;

- иқтисодиётда тўлов тизимини, хусусан, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш ва бунда илғор замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш;

- кўрсатилаётган банк хизматлари турларини янада кенгайтириш ва сифатини яхшилаш, хусусан, банк инфратузилмасини, айниқса, қишлоқ

жойларда ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаган ҳолда масофадан туриб хизмат кўрсатиш кўламини янада ривожлантириш;

– тижорат банклари ва банк-молия соҳаси фаолиятини баҳолаш тизимини халқаро амалиётда қўлланиладиган меъёрлар, мезонлар ва андозаларни жорий қилиш ҳисобига янада такомиллаштириш бўйича амалий ишларни давом эттириш, устувор вазифалар сифатида белгиланди ва тўлиқ ижро этилмоқда.

Юқорида келтирилган устувор вазифаларнинг изчил ва самарали бажарилиши натижасида, ўтган 2017 йил якунлари бўйича республика банк тизими ривожланишининг барча кўрсаткичлари бўйича ижобий натижаларга эришилди.

Маълумки, халқаро «Doing Business» рейтинги доирасида мамлакатларнинг бизнес муҳити 10 та йўналиш бўйича ўрганилиб, ушбу йўналишлар ҳолати баҳоланади, ҳамда улар асосида мамлакатнинг умумий рейтинги аниқланади. Халқаро экспертлар томонидан республикамиз «Кредитлаш» йўналишида ижобий баҳоланиб, 2017 йил якунлари бўйича мазкур йўналишда мамлакатимиз 190 давлат ичида 55-нчи ўринни эгаллаганлигини эътироф этишмоқда⁶.

Маълумки, республикамизда «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2012 йилдан кучга кирган бўлиб, унга ушбу индекс 3 балл кўринишида қайд этилган бўлса, бугунги кунда ушбу кўрсаткич 7 баллга тенгдир (максимал балл эса 8 бўлиши мумкин).

Шунингдек, халқаро экспертлар Ўзбекистон кредит инфратузилмасини ривожлантириш саъй-ҳаракатларини гарчи бошқа МДХ давлатлари билан бирга бошлаган бўлса-да, айтиш мумкинки улардан анчайин илгарилаб кетганлигини таъкидлашган. Ҳозирги кунда Европа Марказий банки томонидан банкларнинг кредит тарихини соғломлаштириш бўйича чора-тадбирлар кўриляётган бир пайтда мамлакатимизда ушбу инфратузилмани

⁶ www.finance.uz. Кредит тарихини шакллантиришда бошқа манбалардан ҳам фойдаланилади. //16 Январь 2018

янада такомиллаштириш ишлари бошлангани ижобий ҳолатдир.

Айтиш жоиз, кредит ахбороти алмашинуви тизимининг жорий этилиши натижасида ҳам кредит ташкилотлари, ҳам потенциал миждозлар учун бирдек манфаатли механизм юзага келди. Хусусан, тизим билан кредит ташкилотларида қарздорлар тўғрисида ахборот олиш, кредит таваккалчилигини камайтириш, кредит интизомини мустаҳкамлаш имкони туғилди. Қарздорларда эса кредит интизомини мустаҳкамлашга, қарз мажбуриятларини ўз вақтида қайтаришга қизиқиш ортди, минимал талаблар (имтиёзлар) асосида кредит олишга муваффақ бўлинди. Умуман, банк-молия тизими миқёсида эса, банк назорати учун ҳаққоний ва тезкор маълумот олиш йўлга қўйилди.

Статистик маълумотларга кўра, 2012 йилда кредит бюроси ахборотлар базасида 511 380 та юридик шахс ва 321 452 та жисмоний шахс тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлган. Бугунги кунга келиб эса, ушбу кўрсаткич 9 миллионга яқинни ташкил этади. Кредит бюросига 10 тага яқин ташкилот кредит маълумотини тақдим этади. Улар орасида барча тижорат банклари, микрокредит ташкилотлар, ломбардлар ва лизинг компаниялар мавжуд. Бу уларнинг кредит портфели сифатини яхшилашга, нисбатан юқори молиявий натижаларга олиб келмоқда⁷.

Ҳозирда банкларнинг умумий капитали ва депозит базасининг янада мустаҳкамланиши, ҳисобига, уларнинг иқтисодиётдаги ишлаб чиқариш жараёнларини молиявий қўллаб-қувватлаш, инвестицион фаолликни рағбатлантиришни ички манбалар ҳисобига амалга ошириш имкониятларини кенгайтириб, банк тизими активларининг сифат ҳамда миқдор жиҳатдан ошишига ҳам эришилди.

Хусусан, тижорат банклари активларининг умумий суммаси 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 2015 йилдагига нисбатан 23,3 фоизга ошиб қарийб 80,4 трлн. сўмни ташкил этиб, иқтисодиётнинг реал секторига

⁷ www.finance.uz. Кредит тарихини шакллантиришда бошқа манбалардан ҳам фойдаланилади. //16 Январь 2018

йўналтирилган кредит қўйилмалари ҳажми 2016 йилда 25,1 фоизга ошиб, 53,4 трлн. сўмга етган. Мазкур кредитларнинг 80 фоизини инвестициявий мақсадларга йўналтирилган узоқ муддатли кредитлар ташкил этганлиги алоҳида аҳамиятлидир⁸.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш ўринлики, тижорат банклари томонидан ажратилган кредитларнинг 86,8 фоизи ички манбалар ҳисобидан молиялаштирилган, бу эса мамлакатимиз банк тизимининг етарли даражада шаклланган ресурс базасига эга эканлигидан ва ҳар қандай ташқи омилларнинг салбий таъсирларидан ҳимояланганлигидан далолат беради. Шунингдек, хорижий молия институтларидан жалб қилинаётган маблағлар, асосан инфратузилма объектларини қуриш ва реконструкция қилиш дастурлари бўйича узоқ муддатли лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилаётганлиги алоҳида аҳамиятлидир.

Шу билан бирга республикамызда банкларнинг инвестиция жараёнларидаги иштироки янада фаоллашиб, улар томонидан ажратилаётган инвестицион кредитлар устувор равишда иқтисодиётнинг саноат тармоқларини модернизация қилиш, замонавий инфратузилмани шакллантириш ва ривожлантириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксалтириш ҳамда янги иш ўринлари ташкил этишга қаратилган дастурлар доирасидаги инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилмоқда.

Тижорат банкларининг инвестицион кредитлари хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион харажатларини молиялаштиришнинг муҳим манбаи ҳисобланади. Ушбу кредитлар иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари фаолиятини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуrollантириш имконини беради.

Мамлакатимизда инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш “Тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган

⁸ www.cbu.uz. 2016 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари

кредитлашни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом”⁹ талаблари асосида ҳам амалга оширилмоқда. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги ПФ-56-сонли “Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш тартибини белгилаб беради. Низомга кўра, синдициялаштирилган кредит деганда - бир неча банклар томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини биргаликда кредитлаш тушунилади. Йирик инвестиция лойиҳаси - умумий қиймати тижорат банкларининг биринчи даражали капиталининг 25 фоизидан ошадиган инвестиция лойиҳасидир. Банк синдикати - синдициялаштирилган кредит бериш борасида икки ёки ундан ортиқ банклар ўртасида ўзаро келишув ҳисобланади.

Ўз навбатида, тижорат банклари инвестицион кредитлари ҳажмини ошириш бевосита инвестицион лойиҳанинг рентабеллигига, молиявий жиҳатдан асосланганлигига боғлиқ.

Республикамизда банк фаолиятининг қонунчилик ва меъёрий асосларини такомиллаштириш, тизимда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун янада қулай шарт-шароитлар натижасида қуйидаги сифат ўзгаришлари кузатишмоқда:

- тижорат банклари кредитлари ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳалар сони ва кредитлар ҳажмининг кўпайиши ҳамда фоиз ставкасининг пасайтирилиши орқали уларнинг рентабеллиги ошиб, мамлакатимизда хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестициявий фаоллигининг ошиши таъминланади;

- хўжалик юритувчи субъектларнинг янги ва мавжуд ишлаб чиқариш

⁹ Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 16 июлдаги 15/2-сонли қарори билан тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 20 августда 1509-сонли рақам билан давлат рўйхатига олинган.

қувватларини модернизация қилиш бўйича лойиҳа харажатлари камаяди.

Инвестицион лойиҳа дастури (program of the investment project) - Ўзбекистан Республикасида қабул қилинган қонунчилик андозаларига мувофиқ ишлаб чиқилган зарурий ҳужжатларни ҳисобга олган ҳолда капитал қўйилмалар ҳажми ва амалга ошириш муддатининг мақсадга мувофиқлигини асословчи ва инвестицияларни (бизнес-режа) амалга ошириш бўйича амалий фаолият дастури ҳисобланади¹⁰.

Салоҳиятли инвесторларни жалб этишда уларга банк тизимининг ривожланиш стратегияси, инвестиция фаолиятининг имкониятлари ва шарт-шароитлари ҳақида ахборот бериш муҳим ўринга эга. Шу мақсадда тижорат банклари томонидан инвесторлар қизиқиш билан қарайдиган ахборот майдони кенгайтириб боришмоқда. Республикамиз Ҳукумати ва Президентимиз томонидан потенциал инвесторларга фаолиятнинг юридик, иқтисодий ва бошқа жиҳатлари бўйича маслаҳатлар бериш, чет эллик инвесторлар фаолиятининг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш юзасидан бир қатор изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, таъкидлаш жоизки, тижорат банкларининг рейтинг хорижий инвесторлар учун аҳамиятли кўрсаткич бўлиб, улар муайян қарорга келишда ана шу баҳоларга таянадилар. Республикамиздаги 26 та тижорат банкининг фаолияти халқаро рейтинг агентликлари томонидан ижобий баҳоланиши иқтисодий ўсиш учун зарур миқдордаги хорижий инвестицияларни жалб этиш асосий омили бўлиб, бунинг натижасида, бугунги кунда 15 га яқин йирик халқаро молия ташкилотлари мамлакатимиз тижорат банкларида ўз кредит линияларини очган¹¹.

Инвестициялар иқтисодиётни ривожлантиришнинг зарур шarti ҳисобланиб улар асосан моддий ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги устивор лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилади. Хорижий инвестициялар кириб келишини рағбатлантириш йўли билан замонавий янги

¹⁰ Ваҳобов А.В. ва бошқ.. Халқаро молия муносабатлари. Дарслик. - Тошкент: Шарқ, 2003.

¹¹ www.cbu.uz сайти маълумоти

технологиялар асосида мамлакат иқтисодиёти салоҳиятини ошириш ва дунё бозорида рақобат мавқеини мустаҳкамлаш, бошқарувнинг илғор тажрибаларини олиб киришда масалалари ижобий хал қилинади.

Инвестициялар молия бозорининг категорияси сифатида иқтисодий муносабатлар иштирокчилари ўртасида маблағларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида катнашади. Инвестицияларнинг янада умумийроқ иқтисодий тушунчаси - пул маблағларини фойда олиш мақсадида иқтисодиётнинг турли тармоқларига узоқ муддатга сарфлашни кўзда тутди. Инвестицияларнинг алоҳида шакллари узоқ муддатли хусусиятга эга (булар йирик инвестиция лойиҳаларидир). Бироқ, айрим инвестициялар қисқа муддатли бўлиши мумкин. Булар энг аввало, молия-банк соҳасидаги инвестициялардир (акцияларга, қисқа муддатли давлат облигацияларига, жамғарма сертификатларига ва ҳоказоларга қўйилмалар). Бундан ташқари, инвестициялар кўчувчи ва кўчмас мулк, технологиялар ва ҳоказоларнинг номоддий активлари (лицензиялар, патентлар) кўринишида ҳам амалга оширилиши мумкин¹².

Иқтисодий адабиётларда “инвестиция” деган тушунчага ҳар хил таъриф берилади. Аввало шуни ҳам айтиш керакки, “инвестиция” атамаси латин тилидаги “invest” сўзидан келиб чиққан ва “қўйиш”, “мблағ қўйиш” маъносини билдиради¹³. Россияда рус тилида чоп этилган айрим иқтисодий адабиётларда инвестициялар – бу пул маблағлари сарфлари бўлиб, даромадни истеъмолга эмас, балки келажакда янада юқорироқ даромад ёки ижтимоий самара топишдан иборат бўлган жами ижтимоий ёки якка капитални такрор ҳосил қилиш учун фойдаланиладиган қисми деб тушунилади. Бошқача қилиб айтилса “инвестициялар” – бу ҳозирги муайян капитал қийматини кутиладиган, келажакдаги ноаниқ қийматга алмашишни билдиради¹⁴.

Айрим иқтисодий адабиётларда ишлаб чиқаришни, тадбиркорликни

¹² Бочаров В.В. Инвестиции: учебник для вузов. 2-е изд.- СПб.: Питер, 2008. – 384 с

¹³ Гитман Л., Лоренс Дж. Основы инвестирования: учебное пособие. Пер. с англ. – М: ДЕЛО, 1997. – 1008 с

¹⁴ Игошин Н.Б. Инвестиции: организация, управление и финансирование. М.: “ЮНИТИ” 2007

ривожлантириш, фойда олиш ёки бошқа пировард натижалар олиш мақсадларида турли тармоқлар, инвестицион лойиҳаларга молиявий, мулкӣй ва интеллектуал неъматлар қўйилмаларининг жами турларини инвестициялар деб аталади. Ушбу муаллифларнинг фикрича, инвестициялар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ёки уни янгилашга, яъни реал капитални оширишга сарфланган ресурслар ҳисобланади¹⁵.

Лекин шуни ҳам айтиш керакки, инвестициялар нафақат реал капитални оширишга сарфланадиган ресурслардир, ушбу ресурслар моддий, номоддий активларга, қимматли қоғозларни сотиб олишга ҳам сарфланади. Инвестициялар келажакда фойда яратиш мақсадида иқтисодий ресурсларни узоқ муддатга ишлатиш деб ҳам тушунилади. Бошқача қилиб айтганда, ҳар қандай ҳолда ҳам инвестицияларнинг мақсади капитал қийматини сақлаш, уни капитализациялаш ва жамғаришни амалга оширишдир. Агарда шу нуқтаи назардан қаралса, инвестицияларнинг мазмуни ва моҳиятини тўғри таърифлаб бериш мумкин. Яъни, капитални капитализациялаш ва жамғармаларни яратиш мақсадларида пировард мақсадга етишгача молиявий ресурсларни банд қилиш инвестициялар деб аталади.

Кўпчилик муаллифлар инвестициялар деб капитални қайта ишлаб чиқаришга, уни сақлаб туришга ҳамда кенгайтиришга сарфланган пул маблағларини тушунади. Шунга яқин тушунчани Ўзбекистонлик олимлар ҳам қўллаб қуватлайдилар¹⁶. Бизнинг фикримизча, юқорида келтирилган инвестиция тушунчалари фақат бир томонламандир, улар ёки ишлаб чиқариш соҳасига қўйиладиган маблағларни ёки тадбиркорлик объектларига сарфланадиган моддий, молиявий ва интеллектуал бойликларни ифодалайди.

Инвестиция (investment) - ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш)ни ривожлантириш мақсадида мамлакат ёки чет элларда иқтисодиётнинг турли

¹⁵ Шарп У. Инвестиции. Пер. с англ. – М.: ИНФРА-М, 2006. – 744 с.

¹⁶ Ғоziбеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. - Тошкент: Молия, 2003. – 332 б.; Жўраев А.С., Хўжамқулов Д.Ю., Маматов Б.С. Инвестиция лойиҳалари таҳлили: олий ўқув муассасалари учун ўқув қўлланма - Т.:

тармокларига узок муддатли капитал киритиш ҳисобланади¹⁷.

Инвестиция банклари (инвестиционные банки, investment bank) – узок муддатли ссудали капитални сафарбар қилувчи облигация ҳамда заёмли мажбуриятлар чиқариш ва уларни жойлаштириш воситаси билан уни заёмчиларга берувчи махсус кредит институтларнинг бир туридир¹⁸.

Инвестиция дастури - ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида мамлакат ёки чет элларда иқтисодиётнинг турли тармокларига узок муддатли капитал киритиш учун ишлаб чиқилган дастур саналади¹⁹.

Инвестиция деганда, моддий ва молиявий маблағларни келажакда даромад олиш учун маълум бир объектларга сарфлаш тушунилади. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, тижорат банкларининг инвестицион фаолияти деганда уларнинг кўп қиррали фаолияти тушунилади, яъни бу фаолият моддий бойликлар яратиш мақсадида турли объектларга сарфланадиган молиявий ресурслардир.

Қуйидаги расмда тижорат банкларининг инвестицион фаолиятининг йўналишлари кўрсатиб ўтилган.



1-расм. Тижорат банкларининг инвестицион фаолиятининг турлари²⁰

Юқоридаги расмда, тижорат банкларининг инвестицион фаолияти ўз

¹⁷ Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. - Тошкент: Молия, 2003. – 332 б

¹⁸ Altmann, J. Wirtschaftspolitik: 7. Auflage. -Stuttgart: CIP-Einheitsaufnahme, 2000. –692 p.

¹⁹ Гитман Л., Лоренс Дж. Основы инвестирования: учебное пособие. Пер. с англ. – М: ДЕЛО, 1997. – 1008 с

²⁰ Расм мавзуга оид иқтисодий адабиётлар таҳлили асосида шакллантирилган.

моҳиятига асосан турли йўналишларга ажратилиши ифодаланган, жумладан, тижорат банкларини қимматли қоғозларга қилган инвестициялари уларнинг инвестицион портфелини шакллантиришга хизмат қилади. Тўғридан тўғри жалб этилган хорижий капитал қўйилмалар, техника ва технологиялар ҳамда бошқа активлар мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига муносиб улуш қўшмоқда ва унинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишига қўмаклашмоқда. Чет эл капитални иштирокида ташкил этилган, хомашёни чуқур қайта ишловчи корхоналар нафақат муайян ҳўжалик субъектининг, балки бошқа соҳаларнинг тарақиётига таъсир ўтказиб, макроиқтисодий ўсишга замин яратмоқда.

Энг аввало қўйилма объектлари ва иқтисодиётдаги иштироки хусусиятига кўра тўғридан-тўғри инвестициялар ва молиявий инвестицияларни ажратиб кўрсатиш лозим. Тўғридан-тўғри инвестициялар ўз навбатида реал ва номоддий инвестициялар бўлиши мумкин. Халқаро валюта фонди хусусий компанияларни ташкил этишга қўйилмаларни, шунингдек хорижий компанияларга камида 25%ни ташкил этувчи капитал қўйилмаларни тўғридан-тўғри инвестициялар жумласига киритади. АҚШ, Буюк Британия, Германия сингари ривожланган мамлакатлар статистикасида тўғридан-тўғри инвестицияларга фирманинг акциядорлик сармоясида 10% ва ундан ортиқ фоизга етадиган ва мазкур корхонани капиталлаштириш имконини берадиган инвестициялар киритилган.

Ҳар бир гуруҳнинг иқтисодий мазмуни жиҳатидан улар таркибида қуйидаги кичик гуруҳлар ажратиб кўрсатилиши мумкин:

- молиявий инвестициялар - улушли қимматли қоғозларни (бевосита ва билвосита), қарзли қимматли қоғозларни (депозит сертификатлар, давлат ва муниципал қимматли қоғозлари, векселлар ва юридик шахслар томонидан чиқариладиган мажбуриятларнинг бошқа турлари), ҳосила фонд воситаларини ўз ичига олади;

- тўғридан-тўғри инвестициялар - қайта ишлаб чиқарувчи капитал қўйилмалар билан чет корхоналарни яратишда фойдаланиладиган инвестицияларнинг муштараклигини ва номоддий инвестицияларни

(лицензиялар, “ноу-хау”, хорижий менежмент тажрибаси, янги технологиялар ва ҳ.к.ни) ўзида акс эттиради.

Инвестициялар яна операцияларнинг муддатларига кўра узоқ муддатли, ўрта муддатли ва қисқа муддатли инвестицияларга бўлиниши мумкин.

Бундан ташқари, мулкчилик шаклига кўра хусусий, корпоратив, давлат ва хорижий қўйилмалар инвестицияларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Шу билан бир қаторда инвестициялаш усулига кўра ҳам инвестицияларнинг қуйидаги гуруҳларини санаб ўтиш мумкин:

- портфель инвестициялари - булар бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда амалга оширилади, яъни бир инвестиция лойиҳасининг танланиши билан биргаликда портфелни ташкил этувчи бошқа лойиҳанинг танланишини ҳам истисно этмайди. Инвестициялар портфели инвестициялаш мақсадига боғлиқ бўлиб, у биринчи яқинлашишдаёқ рискнинг даражаси, инвестициянинг даромадлилиги ва ишончлилиги билан ифодаланади, чунки инвестициялар бир турдаги лойиҳага эмас, балки бир қанча турдаги лойиҳаларга сарфланиши туфайли инвестицияларнинг ишончлилигини кучайтиришга хизмат қилади;

- муқобил инвестициялар - булар шундай инвестицияларки, инвестициялашнинг бир вариантыни танлаш ресурсларни жойлаштиришдан иборат ягона муаммони ҳал қилишнинг икки ва ундан ортиқ усуллари мавжуд бўлган чоғда инвестициялашнинг бошқа вариантыни истисно этади;

- тадрижий инвестициялар - бир неча йил мобайнида янги корхоналарни, ишлаб чиқаришни яратиш ёки янги ускуналарни харид қилиш чоғидаги йирик инвестициялардир²¹.

Ўзбекистон бозорининг табиий ресурсларга бой, катта ақлий салоҳият ва етарли ишчи кучига эгалиги, мамлакатимизда инвестициявий муҳитни шакллантириш шартлари ва омилларига етарлича эътибор берилаётганлиги натижасида жалб этилаётган ва ўзлаштирилаётган хорижий инвестициялар ҳажми ошишига замин яратмоқда.

²¹ Каюмов Р.И. Организация и финансирование инвестиций. Учебное пособие. Т.: ТГЭУ. 2010

Республикаимизда инвестицион фаолликни ошириш борасида ҳуқуқий асос яратилган. Жумладан, халқаро экспертлар томонидан юқори баҳоланган "Инвестиция фаолияти тўғрисида"²² ва "Чет эл инвестициялари тўғрисида"²³ги қонунлар Ўзбекистонда чет эллик инвесторларнинг инвестиция фаолиятини амалга оширишлари чоғида уларнинг барча ҳуқуқларини кафолатлайди ва ҳимоя қилади. Чет эллик инвесторлар ва чет эл инвестициялари учун адолатли ва тенг ҳуқуқли режим, уларнинг тўлиқ ва доимий ҳимояси ҳамда ҳавфсизлигини таъминланади. Шунингдек, ушбу қонунларда инвестиция фаолияти натижасида олинган даромадни мустақил ва эркин тасарруф этиш (шу жумладан уни монеликсиз репатриация қилиш), ўз ҳисоб варағидаги миллий валюта маблағларидан ички валюта бозорида чет эл валютасини сотиб олиш учун фойдаланиш, инвесторларнинг тўлақонли фаолият юритишига шароит яратиш, улар мулкнинг дахлсизлигини муҳофаза қилиш, уларнинг ва мажбуриятлари белгилаб берилган, инвесторлар учун рағбатлантирувчи чоралар кўрилган.

Ўзбекистоннинг инвестициявий жозибадорлигини оширишда банк тизимида инвестиция муҳитини янада яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор берилишининг натижасида, ҳозирги пайтда мамлакатимизда хорижий инвестициялар иштирокида 5 та банк фаолият кўрсатмоқда, дунёнинг 6 та йирик банки ваколатхонаси ишлаб турибди²⁴. Уларнинг молиявий бозордаги иштироки банк тизими активларини ошириш, бизнес юритиш маданиятини юқори даражага олиб чиқиш, янги технологияларни жорий этиш ва зарур инфратузилмани яратиш, бонқарувнинг замонавий усулларини амалиётга тадбиқ этишга сезиларли хисса қўшиш баробарида ички инвестицияларни кўпайтиришга ҳам шароит яратмоқда.

Марказий банк бош мувофиқлаштирувчи сифатида тизимда жозибадор инвестиция муҳитини яратишнинг асосий мезонлари - қонун устиворлигини

²² Ўзбекистон Республикасининг "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги Қонун (янги таҳрирда) 09.12.2014 йил;

²³ Ўзбекистон Республикасининг "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги қонуни. 1998 йил 30 апрел

²⁴ www.cbu.uz

таъминлаш, кредит ташкилотлари ўртасида адолатли рақобат ўрнатиш, маъмурий чекловларга барҳам бериш, банклар фаолияти шаффофлигини таъминлаш, банк бизнесининг ривожланиши учун сифатли инфратузилма барпо этиш чораларини кўриб бормоқда. Кези келганда айтиш керакки, сўнгги пайтда корпоратив муносабатлар - акциядорлар, менежмент, ходимлар ва mijozлар ўртасидаги aloqalarни юқори даражага олиб чиқишга, умуман инвесторларнинг ишончини мустаҳкамлашга ҳам alohida эътибор қаратилмоқда.

Умуман олганда, тижорат банкларида узок муддатли кредитлашда инвестицион лойиҳаларнинг иқтисодий ва молиявий самарадорлигини ошириш, ҳамда хорижий инвестицияларни республикамиз иқтисодиётига кенг жалб қилиш орқали мамлакатимиз ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш, экспорт салоҳиятини юксалтириш, истеъмол бозорини юқори сифатли ички маҳсулотлар билан тўлдириш, жамият ҳаёти сифатини яхшилашда муҳим ўрин тутди.

1.2.Ўзбекистонда тижорат банкларининг узок муддатли кредитлаш механизмини ҳуқуқий асослари

Ўзбекистонни яқин 5 йилга мўлжалланган Стратегияда иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари сифатида макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш, иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, унинг рақобатдошлигини ошириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, ташқи иқтисодий aloqalarни янада кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, етакчи ишлаб чиқариш тармоқларини модернизация ва фаол диверсификация қилиш, ҳудудларларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, туризм соҳасини

янги босқичга кўтариш вазифалари ўрин олган. Уларни изчилликда амалга ошириш учун эса, банк-молия, солиқ, божхона, суғурта, лизинг каби қатор институтлар фаолияти ислоҳ қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сон «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сон «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини амалга оширишда мазкур магистрлик диссертацияси тадқиқотини амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Бугунги кунда республикада банк тизимини либераллаштириш молиявий муносабатларни мувофиқлаштириш қоидалари ва усулларини, хўжалик субъектлари ва банк-молия институтларининг самарали механизмларини уйғунлаштириш билан чамбарчас боғлиқ. Шу жиҳатдан олиб қараганда, мазкур жараёнларни жадаллаштириш амалдаги қонунчиликка қатор ўзгартиришлар киритишни тақозо этмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ҳамда «Гаров тўғрисида»ги, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги, «Ипотека тўғрисида»ги қонунларга тегишли ўзгартиришлар киритилса, банкларнинг ресурс базаси янада мустаҳкамланиб, иқтисодиёт тармоқларидаги лойиҳаларни молиялаштириш имконияти ортади.

Маълумки, дунё тажрибасида банкларнинг ўзига хос тадбиркорлик субъекти сифатида асосан жалб этилган маблағлар ҳисобига фаолият юритиши эътиборга олиниб, уларнинг фаолиятига четдан аралашини қатъиян тақиқлангани, чунки банкларнинг кредитлаш амалиётига бошқарув органлари томонидан аралашуви молия муассасаларининг самарали фаолиятига салбий таъсир кўрсатади.

Шунингдек, банклар томонидан узоқ муддатли кредитлаш соҳасидаги бугунги шароит «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг айрим моддаларига ўзгартиришлар киритиш жоизлигини ҳам билдирмоқда. Бунда тижорат банклари томонидан корпоратив облигациялар чиқариш орқали ўз молиявий манбаларини янада шакллантириш ва инвестиция салоҳиятини оширишга муваффақ бўлади.

Бугунги кунда катта миқдордаги маблағларни талаб этувчи ушбу лойиҳаларга ажратиладиган кредитлар Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасига тенг равишда белгиланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”²⁵ги Қарорига кўра 2017 йилнинг 1 октябридан эътиборан янгидан ташкил этиладиган кредит ташкилотлари учун устав капитали (жамғармаси)нинг қуйидаги минимал миқдорлари ўрнатилган:

- тижорат банклари – 100 млрд. сўм (*ҳозир банклар учун – 10 млн.евро эквивалентида ва хусусий банклар учун – 5 млн.евро эквивалентида*);
- микрокредит ташкилотлари – 2 млрд.сўм (*2012 йил 1 январдан эътиборан 100 минг евро эквивалентини ташкил этади*);
- ломбардлар – 500 млн.сўм (*ҳозир юридик шахсларнинг тегишли ташкилий-ҳуқуқий шакли учун ўрнатилган минимал миқдорлардан келиб чиқиб белгиланади*).

Хужжатда кўрсатилишича, кўрсатилган субъектлар ўз устав жамғармаларини 2019 йил 1 январгача янгидан тасдиқланган минимал талаблар даражасига келтиришлари шарт. Ўзбекистон миллий банки ва “Асака” банкнинг аввал хорижий валютада шакллантирилган устав капиталлари сўмга ўтказилади²⁶.

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3270-сон Қарори. 12.09.2017

²⁶ Президентнинг 2.09.2017 йилдаги ПФ-5177-сон фармонида асосан жамиятларнинг устав капиталига қўйиладиган минимал талаблар фақат миллий валютада белгиланган.

Бундан ташқари, тижорат банклари уларга хос бўлмаган хўжалик юритувчи субъектларда муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг вужудга келиши, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар томонидан банklar кассасидан олинган нақд пуллардан мақсадли фойдаланилиши устидан назорат қилиш бўйича функциялардан озод қилинди.

Бунда банklarга 1.04.2018 йилгача бўлган муддатда:

- банklarни сифатли трансформациялаш учун узоқ муддатли ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;
- банкнинг банк таваккалчилиги ва унинг кўринишларини дастлабки босқичларда аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этиш қобилиятини ошириш мақсадида турли сценарийлар билан ликвидлилик позицияларининг стресс-тестини ҳар чоракда ўтказиш;
- кредитларни қоплашнинг муддатлари ва тасдиқланган жадвалларига қатъий риоя қилиш ва кредитлар бўйича қарз олувчиларнинг муддати ўтган қарзи шаклланишига йўл қўймаслик, банкнинг тўлов қобилиятидан келиб чиққан ҳолда кредитлар бўйича муддатлар ва фоиз ставкаларини белгилаш ҳамда зарар кўриб ишлайдиган ташкилотларни кредитлаш амалиётини истисно қилиш;
- банк хизматларининг жозибадорлигини ошириш ва янги мижозларни жалб этиш учун тариф сиёсатини оптималлаштириш ва бошқалар тавсия этилган.

Ўзбекистон Республикасининг инвестиция салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, инвестиция муҳитини янада такомиллаштириш, йиллик инвестиция дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш учун қулай шароитлар яратиш, халқаро молия институтлари, хорижий ҳукуматларнинг молия институтлари, етакчи чет эл компаниялари ва банк тузилмалари билан ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек, жалб этиладиган чет эл инвестициялари самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида унинг

худудий бўлимлари ташкил этилган²⁷.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ягона давлат инвестиция сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишни мувофиқлаштириш ҳамда хорижий инвестицияларни жалб этиш учун масъул ваколатли давлат органи ҳисобланади.

Ўзбекистонда инвестицион муҳитининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг ҳуқуқий асослари яратилган:

✚ “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Қонун 30.04.1998 йил;

✚ “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонун 30.04.1998 йил;

✚ “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонун 26.05.2000 йил;

✚ “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонун (янги таҳрирда) 09.12.2014 йил;

✚ “Хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш ҳамда ўзлаштириш жараёнини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 24.07.2008 йилдаги №ПҚ-927-сонли Президент Қарори;

✚ “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 10.04.2012 йилдаги №ПФ-4434-сонли Президент Фармони.

Лойиҳавий молиялаштириш бу инвестиция лойиҳаларини кредитлаштиришнинг бир тури бўлиб, кредитор бу лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ хатарларни қисман ёки тўлиқ ўз зиммасига олади. Инвесторларни биринчи ўринда инвестиция объектлари ҳақида тўлиқ, ишончили ва тўғри маълумотлар қизиқтиради. Шу билан бирга, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда меҳнат муносабатларини йўлга қўйиш масалалари ҳам муҳим ўрин тутади.

²⁷ Ўзбекистон рРеспубликаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича Давлат Қўмитасини ташкил этиш тўғрисида № ПФ-4996 фармони 31.03.2017 й.

**Тўғридан-тўғри ва портфел инвестициялар ўртасидаги ўзига хос
фарқлар²⁸**

Белгилар	Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар	Портфел инвестициялар
Олиб чиқишнинг асосий мақсади	Хорижий фирмани назорат қилиш	Юқори фойда олиш
Мақсадга эришиш йўллари	Хорижда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва юритиш	Хорижий қимматли қўғозларни сотиб олиш
Мақсадга эришиш усуллари	а) хорижий фирмага тўлиқ эгалик қилиш; б) акциялар назорат пакэтинисотиб олиш (ХВФ уставига кўра компания акциядорлик капиталининг 25 фоизидан кам бўлмаслиги керак)	Хорижий фирма акциядорлик капиталининг камида 25 фоизини сотиб олиш (АҚШ, Япония ва Германияда — 10%)
Даромад шакллари	Тадбиркорлик фойдаси, дивидентлар	Дивидентлар, фоизлар

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан капитал бозорлари имкониятидан фойдаланиш, миллий иқтисодиётига инвесторларни, айниқса хорижий инвестицияларни жалб қилиш масаласига катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистонда инвестиция фондларини ривожлантириш тараққий этган мамлакатларда жамланган амалий тажрибанинг ўрганилишини тақозо қилади. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар молия бозорларида инвестиция фондлари муҳим ўрин эгаллайди ҳамда улар мослашувчан бозор сиёсатини амалга ошириб, кичик инвесторлар манфаатларини мувофиқлаштириш имкониятини берувчи самарали бошқарув тизимига эгадир.

Тижорат банкларининг оддий кредит операцияларида энг аввало қарздорнинг кредитга қобилиятлилигини ўрганишга, унинг молиявий ва иқтисодий ҳолатини, шунингдек гаров сифатида фойдаланадиган мол мулкларни баҳолашга асосий аҳамият берилса, лойиҳавий молиялаштиришда эса лойиҳавий таҳлилга асосий эътибор қаратилади.

Лойиҳавий молиялаштириш бу инвестиция лойиҳаларини

²⁸ Вахабов А. ва бошқалар. Хорижий инвестициялар. – Тошкент, 2010. – 320 б.

кредитлаштиришнинг бир тури бўлиб, кредитор бу лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ хатарларни қисман ёки тўлиқ ўз зиммасига олади.

Агар банкларнинг оддий кредит операцияларида энг аввало қарздорнинг кредитга қобилиятлилигини ўрганишга, унинг молиявий ва иқтисодий ҳолатини, шунингдек гаров сифатида фойдаланадиган мол мулкларни баҳолашга асосий аҳамият берилса, лойиҳавий молиялаштиришда эса лойиҳавий таҳлилга асосий эътибор қаратилади.

Лойиҳавий молиялаштириш моҳиятини ифода этишда қуйидаги асосий омиллар хизмат қилади:

- Лойиҳавий молиялаштиришнинг асосий тури бу синдикатлашган кредитлаштириш бўлиб, унда турли инвестор ва кредиторлар ўз хатари ва маблағлари билан иштирок этади;

- Лойиҳавий молиялаштиришнинг жаҳон амалиётида турлича усуллари ва манбалари мавжуд бўлиб, ҳар бир давлат ўз иқтисодий ва инвестицион сиёсати, бозор механизмининг амал қилиш даражасига қараб, бу усуллардан фойдаланиши мумкин;

- Аниқ мақсадни кўзлаган, иқтисодий ва молиявий жиҳатдан самарали бўлиши режалаштирилган лойиҳалар лойиҳавий молиялаштириш объекти бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига асосан (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 30-31-сон, 343-модда; 2010 й., 52-сон, 513-модда) тижорат банкларининг инвестиция фаолияти кенгайтирилишини янада рағбатлантириш, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга йўналтирилган узоқ муддатли инвестиция лойиҳаларини молиялаш ҳажмларини ошириш учун уларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида банклар балансига қабул қилинган банкрот-корхоналарни молиявий соғломлаштириш,

иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга йўналтирилган инвестиция лойиҳаларини молиялаш бўйича тижорат банкларининг фаолияти ривожланди. Банкларнинг умумий кредит портфели таркибида бир йилдан кўпроқ муддатга берилган кредитлар ҳажми 70 фоиздан ортиқроқни ташкил этмоқда.

Инвестиция фаолиятини кенгайтириш соҳасида тижорат банкларининг энг муҳим вазифалари деб қуйидагилар бегиланди:

- янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича банкнинг кредит ҳамда инвестиция сиёсатини ва инвестиция лойиҳаларини узоқ муддатли кредитлаш механизмларини янада такомиллаштириш, бунинг асосида банкнинг узоқ муддатли ресурс базасини мустаҳкамлаш;

- лойиҳа ҳужжатлари, уларнинг молиявий жиҳатдан ўзини қоплаши ва рентабеллигини чуқур таҳлил қилиш асосида инвестиция лойиҳаларини пухта танлаб олиш, комплекс баҳолаш ҳамда сифатли экспертиза қилишни таъминлаш;

- инвестиция лойиҳаларини молиялашга ўз молия маблағларини сарфлаш ва улардан самарали фойдаланиш, лойиҳаларнинг амалга ошириб борилишини доимий мониторинг қилиш, қўйилган маблағларнинг ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилишини таъминлаш;

- таваккалчилик, гаровлар ва таъминлашнинг бошқа турлари бозор қийматини пухта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда, берилган кредитларнинг ўз вақтида ҳамда тўлиқ қайтарилишини таъминлайдиган ишончли механизмлардан кенг фойдаланиш;

- инвестиция фаолиятини амалга ошираётган банklar бўлинмаларини профессионал тайёрланган юқори малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш, инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш, экспертиза қилиш ва амалга ошириш масалалари бўйича банк мутахассисларини қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш сифатини тубдан яхшилаш.

Тижорат банкларида корхона ва ташкилотлар — йирик инвестиция

лойиҳалари ташаббускорларига лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уларни инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун қабул қилишда умуман лойиҳани молиялаш учун бериладиган кредитнинг умумий суммасига киритган ҳолда, экспертизадан ўтказиш бўйича харажатларни молиялашга кредитлар беришни амалиётга татбиқ қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги 4053-сонли «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида кўзда тутилган иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнига тижорат банкларининг маблағларини кенгроқ жалб қилишни йўлга қўйиш тадбирлари муҳим ҳисобланади.

Қарорда Республика Комиссиясининг қарори асосида банкрот корхоналарни тижорат банкларига сотиш ёки тўғридан-тўғри балансига беришнинг 3 та механизми кўзда тутилган:

1) банкрот корхона кредиторлик қарзи таркибининг 70% ва ундан ортиқ қисмини банк кредитлари ташкил эца, у ҳолда корхонани тижорат банклари балансига бериш;

2) банкрот корхонани аукцион савдолари орқали энг юқори нархни таклиф қилган ва тегишли мажбуриятни ўз зиммасига олган тижорат банкларига сотиш;

3) банкрот корхонани танлов савдолари орқали тижорат банкларига «ноль» қийматда инвестицион мажбурият шарти билан сотиш.

Ушбу тадбирлар мамлакатимиздаги банкрот корхоналарни таркибий қайта тузиш ҳамда янги хўжалик фаолиятини йўлга қўйиш жараёнларини сезиларли даражада тезлаштирди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги 4010-сонли «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармойиши билан иқтисодий ночор корхоналарнинг молиявий қобилятини тиклаш бўйича бир қатор

имтиёзлар (кўмаклар) берилган эди. Жумладан, ушбу Фармойишга кўра банкрот корхоналар негизида янги ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектлар:

- қўшимча қиймат солиғидан озод қилинди;
- уч йил давомида фойда солиғи, ягона солиқ тўлови, мулк солиғи ва ер солиғларини тўлашдан озод қилинди;
- бошқарув компанияларга берилганда фойда солиғи ва ягона солиқ тўловидан икки йил давомида озод қилинди. Бунинг натижасида собиқ банкрот ҳисобланган, эндиликда таркибий қайта тузиш орқали фаолиятини янгилаган корхоналарнинг фаолият кўрсаткичларида сезиларли ўзгаришлар рўй берди.

Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 31 декабрдаги “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-398-сонли Қонуни билан Солиқ кодексининг 39 та моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720-сонли Фармонидан келиб чиқиб, қонунчиликни мувофиқлаштириш мақсадида Солиқ кодексининг 179-моддаси 34-банд билан тўлдирилиб, унга кўра акциядорлик жамиятлари чет эллик ходимларининг бошқарув ходими сифатида ўз фаолиятидан олган даромадлари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича солиқ солинмайдиган даромадлар таркибига киритилди²⁹.

Шунингдек, «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳририда³⁰) билан депозитарий сифатидаги

²⁹ Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-396-сонли Қонуни

³⁰ Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (Янги таҳрирда) 2008 й

профессional фаолият қисқартирилганлиги ва уларга юклатилган функциялар инвестиция воситачиларига ўтказилганлигидан келиб чиқиб, Солиқ кодексининг 84 ва 209-моддаларига ўзгартиришлар киритилди.

Шу билан бирга, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддаси учинчи қисмига қонун ҳужжатларини мувофиқлаштириш мақсадида, Солиқ кодексининг 158-моддаси иккинчи қисми 6-банд билан тўлдирилиб, унга кўра юридик шахсларнинг фонд биржасида эмиссиявий қимматли қоғозларни реализация қилишдан олинган фойдаси юридик шахслардан олинadиган фойда солиғини тўлашдан озод қилинади.

Шунингдек, юқорида қайд этилган меъёрий ҳужжатлар орқали тижорат банкларига муайян имкониятлар берилган. Жумладан:

- банкрот корхона негизида устав жамғармаси 100% гача бўлган янги корхона ташкил этиш;

- банкрот корхонанинг тугатилиши муносабати билан унга аввал берилган, қопланмаган кредитини, шу жумладан Ҳукумат қафолати билан берилган кредит суммасини банк кенгашининг қарори билан ҳисобдан чиқариш;

- банкрот корхона учун малакали бошқарув компаниясини тузиш ва жалб қилиш;

- банкрот корхонани тугатиш баҳосида сотиб олиб, унинг фаолиятини тиклаб, қайтадан бозор баҳосида сотиш ва ҳ.к.

Айни пайтда мазкур жараённинг самарадорлигини ва таъсирчанлигини таъминлаш мақсадида тижорат банкларига бир қатор мажбуриятлар юкланган эди. Жумладан:

- тижорат банклари балансига ўтказилган банкрот корхоналарни тиклаш, техник ва технологик модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни қайта қуроллантириш, зарур бўлганда корхонани тўлиқ реструктуризация қилиш орқали фаолият йўналишини ўзгартириш, стратегик ҳамкорлар ва инвесторларни жалб қилишни назарда тутувчи бизнес-режаларни ишлаб чиқиш;

- ёлланган ҳар бир корхона бошқарувчиси ишлаб чиқаришда кутилган натижаларга эришиши орқали ишлаб чиқаришларга замонавий ва юқори малакали бошқарувчиларни жалб қилиш ишларини олиб бориши;

- банклар тасарруфига берилган банкрот корхоналари келгуси фаолияти устидан иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш бўйича Республика комиссиясида ҳисобот беришлари йўлга қўйилган.

I-боб бўйича хулоса

Мамлакатимиз банк тизими асосий кўрсаткичларининг барқарор ўсиш суръати ва сифати, пул-кредит сиёсатини изчил олиб борилиши, кредит фоиз ставкаларининг тушириб борилиши, интеллектуал салоҳиятни ошириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг банк хизматларидан фойдаланиш даражасининг ўсиши, самарали банк назорати, молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлар асосида юритилиши, инвестициялардан аниқ мақсадларда фойдаланиш, инвестиция рискининг минимал даражага туширилиши тизимда инвестицион муҳитни яхшилашнинг муҳим омиллари бўлиб ҳисобланади.

Республикамызда банкларнинг инвестиция жараёнларидаги иштироки янада фаоллашиб, улар томонидан ажратилаётган инвестицион кредитлар устувор равишда иқтисодиётнинг саноат тармоқларини модернизация қилиш, замонавий инфратузилмани шакллантириш ва ривожлантириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксалтириш ҳамда янги иш ўринлари ташкил этишга қаратилган дастурлар доирасидаги инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилмоқда.

Ўзбекистонда инвестицион муҳитининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг ҳуқуқий асослари яратилган:

✚ “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Қонун 30.04.1998 йил;

✚ “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонун 30.04.1998 йил;

✚ “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонун 26.05.2000 йил;

✚ “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонун (янги таҳрирда) 09.12.2014 йил;

✚ “Хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш ҳамда ўзлаштириш жараёнини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 24.07.2008 йилдаги №ПҚ-927-сонли Президент Қарори;

✚ “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 10.04.2012 йилдаги №ПФ-4434-сонли Президент Фармони.

Инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолашда лойиҳани иқтисодий баҳолаш усулидан фойдаланилади.

Лойиҳани иқтисодий баҳолаш ўз навбатида икки гуруҳга бўлинади:

- оддий (ёки статистик) баҳолаш;
- дисконтлашга асосланган баҳолаш.

Лойиҳавий молиялаштириш бу инвестиция лойиҳаларини кредитлаштиришнинг бир тури бўлиб, кредитор бу лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ хатарларни қисман ёки тўлиқ ўз зиммасига олади. Инвесторларни биринчи ўринда инвестиция объектлари ҳақида тўлиқ, ишончили ва тўғри маълумотлар қизиқтиради. Шу билан бирга, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда меҳнат муносабатларини йўлга қўйиш масалалари ҳам муҳим ўрин тутди.

II БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА УЗОҚ МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАШ МЕХАНИЗМИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ХОЛАТИ ВА УНИНГ ТАҲЛИЛИ

2.1. Ўзбекистонда инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг амалдаги ҳолатининг таҳлили

Бугунги кунда мамлакатимиз ҳукумати томонидан миллий валютанинг ички бозордаги нархлар барқарорлигини таъминлаш, аҳоли реал даромадлари, турмуш ҳамда истеъмол даражаси пасайишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Маълумки миллий валютаимиз тадбиркорлар учун узоқ муддатли сармояларни киритишга қаратилган инвестицион фаолиятни рағбатлантирувчи қулай муҳитни юзага келтирувчи дастак сифатида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишига хизмат қилади.

Шу билан бирга, макроиқтисодий барқарорликнинг муҳим омилларидан бири банк тизими мустаҳкамлигидир. Банк тизимининг молиявий барқарорлигини ошириш ва шу орқали макроиқтисодий мувозанатни таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва капиталлашуви даражасини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори³¹ муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур Қарор ижроси тижорат банкларининг устав капиталларида давлат улуши 500 млн. АҚШ доллари эквиваленти миқдорида оширилиши орқали тижорат банкларининг капиталлашуви даражасини мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этиб, ўз навбатида инвестицион лойиҳалар ҳамда тадбиркорликни молиялаштиришда банклар иштирокини кенгайтириш имконини оширди. Шунингдек, тижорат банкларининг умумий капитали ва жами активлари сезиларли даражада ўсишига олиб келиб, банкларимиз валюта

³¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва капиталлашуви даражасини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги №ПҚ-3066-сонли Қарори. 16.06.2017 йил.

курси сиёсатининг янги шароитларига молиявий жихатдан мустаҳкам кириб боришига хизмат қилди.

Тижорат банклари томонидан бериладиган инвестицион кредитлар ҳажмини ошириш бевосита уларнинг баҳосига, яъни фоиз ставкалари даражасига боғлиқ. Инвестицион кредитлар қанча арзон бўлса, уларни олувчилар шунча кўп бўлади.

2017 йилнинг биринчи ярим йиллигида тижорат банкларининг миллий валютадаги кредит портфели қолдиғи 32 фоизга ва пул массасининг 15 фоизга ўсган.

Шунингдек, пул массаси таркибида нақд пуллар улушининг ошиши ҳам кузатилди. Муомаладаги нақд пуллар миқдорининг ошиши, асосан, жорий йилда ижтимоий ва бошқа биринчи даражали тўловларнинг ўз вақтида амалга ошириш бўйича нақд пулга талабнинг ошиши ҳамда мазкур даврда ички валюта бозорида мавжуд бўлиб турган муаммолар сабабли банк кассаларига пул тушумининг мутаносиб равишда ошмаганлиги ҳисобига рўй берди.

Кредитлаш ва муомаладаги нақд пул ҳажмларининг тез суръатларда ўсиши кўпгина банкларда ва умуман банк тизимида ликвидлик миқдорининг мазкур даврда йил бошига нисбатан 2,5 баробарга камайишига олиб келди.


Юзага келган ушбу вазиятда, хусусан, инфляцион жараёнларни жиловлаш ва пул массасининг ўсишини чеклаш ҳамда иқтисодиётга ажратилаётган кредитлар ҳажмини мақбуллаштириш мақсадларида Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси жорий йил 28 июнь куни 9 фоиздан 14 фоизгача кўтарилди.

Айни пайтда, тижорат банклари кредит портфели ҳажмининг тез суръатларда ошишининг банклар ва умуман банк тизимининг молиявий ҳолатига салбий таъсирининг олдини олиш бўйича ўз вақтидаги банк назорати чоралари кўрилди.

Пул-кредит сиёсатининг қатъийлаштирилиши июль ойидан бошлаб тижорат банклари томонидан кредитлаш ҳажмлари ва пул массаси ўсиш суръатларини сезиларли даражада пасайтириш ҳамда вужудга келган

инфляцион босимни камайтириш имконини берди.

Натижада, 2017 йилнинг июль ойидан бошлаб кредитлар ва пул массаси ўсиш суръатларининг пасайиши монетар омилларнинг йилнинг иккинчи ярмида инфляцияни жоловловчи характерга эга бўлгани билан изоғланади.



2-расм. 2017 йилда иқтисодиётга ажратилган кредитлар қолдиғи ва пул массаси динамикаси. (трлн. сўм³²)

Ушбу чораларнинг қўлланилиши натижасида жорий йилнинг июль ойидан бошлаб кредитлар ва пул массаси ўсиш суръатларининг пасайиши кузатилди.

Хусусан, миллий валютадаги кредитлар қолдиғи ва пул массаси ҳажмларининг ўртача ойлик ўсиш суръатлари жорий йилнинг биринчи ярмидаги 4,7 ва 2,3 фоиздан июль-октябрь ойларида мос равишда -0,1 ва 0,2 фоизгача қисқарди. Шу билан бирга, жорий йилнинг июль-октябрь ойларида хорижий валютада кредитлаш миқдорининг ўсиши кузатилди.

2017 йилнинг ўтган 10 оyi давомида давлат бюджетининг профицит билан ижро этилиши ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобварақларида пул маблағлари қолдиғининг йил бошига нисбатан ўсиши пул массасининг ўсишини камайтиришга замин бўлди.

Хусусан, жорий йилнинг январь-октябрь ойларида ҳукуматнинг жами пул маблағлари қолдиғи сезиларли даражада ошган. Бундай кўпайиш асосан валюта курси шаклланишининг бозор механизмларига ўтилиши натижасида

³² www.cbu.uz. Монетар сиёсатнинг 2018 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари 01.12.2017

экспорт тушумларининг миллий валютадаги қийматининг ошиши ҳамда қимматбаҳо металллар ишлаб чиқариш соҳасидан тушумларнинг кўпайиши билан изоҳланади.

Умуман олганда, жорий йил охирига қадар пул массасининг антиинфляцион характерга эга бўлган динамикаси сақланиб қолиниши ва йил якуни бўйича миллий валютадаги пул массасининг ўсиш суръати 17-20 фоиз атрофида бўлиши кутилмоқда.

Марказий банк томонидан тижорат банкларига июль ойида 689 млрд. сўм, август ойида 466 млрд. сўм ва сентябрь ойида 262 млрд. сўм миқдорида жами 1,4 трлн. сўмдан зиёд кредитлар берилди. Август (131,7 млрд. сўм), сентябрь (848,9 млрд. сўм) ва октябрь (313,2 млрд. сўм) ойларида қайтарилган кредитларни инобатга олганда, жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра тижорат банкларига берилган кредитлар қолдиғи 84,4 млрд. сўмни ташкил этди.

2017 йилнинг сентябрь ва октябрь ойларида Марказий банк кредитларнинг қайтарилиши валюта курси шаклланишининг бозор механизмига ўтилиши шароитида тижорат банклари томонидан гаров сифатида тақдим этилган валюта маблағларини валюта биржасида сотиш орқали ликвидликка бўлган талабни қондиришлари билан изоҳланади.

Ўтган давр мобайнида Марказий банкнинг кредитларини жалб қилишда 11 та тижорат банки иштирок этиб, ушбу операцияларнинг 62 фоизи Халқ банки, Асака банк, Агро банк, Қишлоқ қурилиш банк каби тизимли аҳамиятга эга бўлган банklar ҳиссасига тўғри келди.

Умуман олганда, Марказий банк томондан қайта молиялаш кредитлари берилишининг жорий этилиши пул-кредит сиёсатининг фоиз инструментлари трансмиссион каналининг самарадорлигини оширишга хизмат қилди. Бу, биринчи навбатда, банklarаро пул бозоридаги ҳамда тижорат банklarининг кредитлари ва депозитлари бўйича фоиз ставкаларининг ўзгаришига, шунингдек пул агрегатлари динамикасига самарали таъсир кўрсатишга замин бўлди ва монетар омилларнинг инфляция даражасига таъсирини босқичма-

босқич пасайтириш имконини берди.

Шунингдек, мазкур операцияларнинг жорий этилиши банк тизимида вужудга келган қисқа мудатли ликвидликка бўлган талабни қондириш ва тўлов тизимининг барқарорлигини сақлашга хизмат қилди.



3-расм. Мажбурий захиралар қолдиғи динамикаси. (млрд. сўм³³)

Шунингдек, тижорат банкларининг ликвидлигини тартибга солишда мажбурий захиралар инструментида иқтисодиёт ва пул-кредит соҳасидаги вазиятдан келиб чиққан ҳолда мослашувчанлик билан фойдаланиб борилди.

Тижорат банклари томонидан Марказий банкда шакллантирилган мажбурий захиралар бўйича ҳисобварағларидаги маблағлар қолдиғи 2017 йил 1 ноябрь ҳолатига йил бошига нисбатан 32 фоизга (3,9 трлн. сўмдан 5,2 трлн. сўмга) кўпайди. Ушбу ўсиш тижорат банклари депозит базасининг реал ошиши ҳамда хорижий валютадаги депозитларнинг миллий валютадаги эквивалентининг ошиши билан изоҳланади.

Жами шакллантирилган мажбурий захиралар таркибида миллий валютадаги маблағлар улуши йил бошидаги 60 фоиздан 1 ноябрь ҳолатига 8 фоизгача камайган. Бу, ўз навбатида, мазкур даврда тижорат банклари томонидан миллий валютадаги ликвидликка бўлган талаб юқори даражада сақлаб қолинаётганлигини акс эттириб, банклар томонидан сўмдаги ликвидлик бўйича танқисликни қоплашда ушбу инструмент ҳам асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилди.


Тижорат банкларида ликвидлик миқдорининг пасайиши, ўз навбатида

³³ www.cbu.uz. Монетар сиёсатнинг 2018 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари 01.12.2017

банклараро пул бозоридан маблағларни жалб қилиш бўйича операциялар ҳажмининг ҳам сезиларли ўсишига олиб келди.

Хусусан, жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида пул бозоридаги операциялар ҳажми ўтган йилнинг мос даври билан солиштирганда 1,9 баробарга ошиб, жами 7,1 трлн. сўмни ташкил этди. Бунда, май ойининг ўзида операциялар ҳажми ўтган йилнинг мос ойи билан солиштирганда 4,5 баробарга ошиб, 1,2 трлн. сўмни ташкил этган.

Қайта молиялаш ставкасининг оширилиши таъсирида банклараро пул бозорида ўртача фоиз ставкалари январь-июнь ойларидаги 7,9-9,2 фоиздан июль ойида 12 фоизга ва август ойида 12,2 фоизгача кўтарилди. Шу билан бирга, тижорат банкларида ликвидлик ҳолатининг яхшиланиб бориши ҳисобига ўртача тортилган ставкаларнинг сентябрь ойида 12,1 ва октябрь ойида 11,75 фоизгача пасайиши кузатилди. Бунда, октябрь ойи давомида пул бозорида амалга оширилган операциялар бўйича фоиз ставкалари 11-14,5 фоизни ташкил этган.



4-расм. 2010-2017 йилларда фоиз ставкалари динамикаси. (млрд. сўм³⁴)

Ўз навбатида, тижорат банклари фоиз ставкаларининг ҳам ошиши кузатилди. Хусусан, 2017 йилнинг банклар томонидан ажратилган кредитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси (имтиёзли кредитлар ҳисобга олинмаганда) биринчи ярим йиллик бўйича ўртача 14,1 фоиздан октябрь

³⁴ www.cbu.uz.Монетар сиёсатнинг 2018 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари 01.12.2017

ойида 16,8 фоизгача кўтарилди.

Ҳозирги даврда узоқ муддатли кредитлар банклар томонидан жуда кам миқдорда берилсада, улар капитал қўйилмаларини лойиҳаларни молиялаштиришнинг асосий манбаи сифатида давлатимиз иқтисодини ривожлантиришда катта аҳамият касб этмоқда. Узоқ, муддатли кредитлар хўжалик ташкилотлари томонидан қуйидаги объектлар учун жалб қилиниши мумкин:

- қайта тиклашга капитал харажатларни амалга ошириш учун;
- ҳаракатдаги асосий фондларни кенгайтириш ва такомиллаштириш билан боғлиқ харажатлар учун;
- янги қурилиш ва қўшимча юқори самарали тадбирлар бўйича харажатларни амалга ошириш учун;
- янги фан илмий техник соҳасида тадқиқотлар олиб бориш ва ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун ва бошқалар.

Иқтисодиётни ривожланишини ижтимоий ишлаб чиқариш таъминлайди. Ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнини эса кредит воситасида узлуксиз давом эттириб, моддий неъматлар яратиш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган, бир зум бўлсада, тўхтаб қолишга йўл қўйилмайди. Демак, кредит иқтисодиётнинг бир текисда ривожланишини таъминловчи омиллардан бири бўлиб, тижорат банкларининг кредит қўйилмалари эвазига юзлаб янги корхоналар ишга туширилади, Ўзбекистон учун янги бўлган саноат тармоқларининг ривожланишига асос яратилади.

Умуман олганда, республикаимиз тижорат банкларининг инвестицион кредитлари ҳажми сўнгги йилларда ижобий ўзгариш тенденциясига эга. Бунинг устига, инвестицион кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкасини 2009-2015 йиллар мобайнида ижобий даражасини таъминлашга муваффақ бўлинган. Бу эса ўз навбатида инвестицион кредитларга бўлган талабнинг йилдан-йилга ошиб бориши билан изоҳланиб, бугунги кунда тижорат банклари инвестицион кредитларни бериш сиёсатини такомиллашиб бораётганини исботи ҳисобланади .

Ҳозирда, тижорат банклари томонидан йирик корхоналар, кичик бизнес субъектлари ва аҳолини кредитлаш, ҳисобварақлардан тўловларнинг ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш ва кўрсатиладиган бошқа турдаги банк хизматлари сифати ва кўлами ортиб бормокда.

Хусусан, жалб қилинган ресурсларнинг кредит маблағлари сифатида иқтисодиётни молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилганлиги натижасида банклар томонидан ўтган давр мобайнида ажратилган кредит қўйилмалари юқори суръатларда (35 фоиз³⁵) ошиб, уларнинг асосий қисмини устувор равишда инвестицион ва аҳолининг реал даромад манбаларини яратиш мақсадларига йўналтирилган кредитлар ташкил қилган.

Ўз навбатида, банкларнинг инвестицион фаолияти 2017 йилги Инвестиция дастури, жумладан, енгил саноат, фармсаноат, чарм-пойабзал ҳамда бошқа саноат тармоқларини модернизация қилиш ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига киритилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Ўтган даврда тижорат банклари томонидан молиялаштирилган лойиҳалар рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи ва экспортга мўлжалланган тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ҳамда материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича истиқболли лойиҳаларга, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлашга, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини оширишга йўналтирилган дастурларга ҳамда бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастурларига қаратилган.

Шу билан бирга, Ҳаракатлар стратегияси³⁶да, белгиланганидек, келгуси 5 йилда республикада минерал-хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича умумий қиймати қарийб 40 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган 649 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ҳамда унинг ҳисобидан саноат

³⁵ www.cbu.uz.-Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти маълумоти

³⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилиш бўйича Фармони. ПФ-4947-сонли 2017 йил 2 феврал.

маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 1,5 бараварга кўпайтириш вазифасини бажаришда тижорат банкларининг ўрни алоҳида аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, ҳозирги пайтда тадбиркорлик субъектлари олдида кредит олишда таъминот тақдим этиш имкониятлари етарли даражада эмаслиги, янги ташкил этилган корхоналарда кредит бўйича фоизларни қайтаришда муайян молиявий қийинчиликлар мавжудлиги, шунингдек, кредитга бўлган талаб мавжуд имкониятлардан ортиқлиги туфайли айрим вазиятларда тадбиркорларнинг кредит олиш имконияти чекланиши ҳолатлари ҳам мавжуд.

Мамлакатимиз банк хизматлари бозоридаги ушбу муаммоларга республика раҳбарияти томонидан эътибор қаратилиб, хусусий тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилиш ва кафолатлашнинг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги воситаларини жорий қилиш, тадбиркорлик субъектларининг кредит олиш имкониятларини кенгайтириш, шу асосда янги иш ўринлари яратиш ва республика молия-банк тизими фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадлари янги жамғарманинг тузилишига асос бўлди.

Бугунги кунда ушбу жамғарма томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ўз маблағлари ва хорижий кредит линиялари ҳисобидан тижорат банклари орқали имтиёзли кредитлар ажратиш, кредитлар бўйича кафиллик бериш ва фоиз харажатларини қоплаш ишлари амалга оширилмоқда.

Умуман олганда, республикаимиз банк тизимида режалаштирилган ислохотлар тижорат банклари барқарорлигини таъминлаш, омонатчилар ва кредиторлар манфаатларини самарали ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштиришга эришишни кўзда тутди.

2.2. Тижорат банкларининг кредит портфели ва унда инвестицион кредитларнинг динамикаси

Тижорат банклари кредит қўйилмаларининг асосий қисмини янги ишлаб

чиқариш корхоналари ва хизмат кўрсатиш объектларини қуриш, уларни зарур ускуна ва технологиялар билан жиҳозлаш, мавжуд корхоналарни модернизация қилиш ҳамда тадбиркорлик субъектларини айланма маблағлар билан таъминлаш мақсадлари учун йўналтирилаётганлиги республикаимиз иқтисодиётининг юқори суръатларда ўсишини таъминлашда муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда 2017 йил давомида тижорат банклари томонидан иқтисодиёт реал сектори корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда ишлаб чиқаришни диверсификациялашга доир инвестиция лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун кредитлари ажратилди.


Хусусан, тармоқлар кесимида қаралганда жами ажратилган инвестиция кредитларининг 6,2 трлн. сўми (38,8 фоизи) саноат соҳасига, 2,1 трлн. сўми (13 фоизи) қишлоқ хўжалиги соҳасига, 1,6 трлн. сўми (9,9 фоизи) транспорт ва коммуникация соҳасига, 1,4 трлн. сўми (9 фоизи) қурилиш соҳасига, 1,3 трлн. сўми (7,8 фоизи) хизмат кўрсатиш соҳасига ва 3,5 трлн. сўми (21,4 фоизи) бошқа соҳаларга йўналтирилган.

Банклар томонидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда асосий эътибор, 2017 йилга мўлжалланган давлат инвестиция дастури, иқтисодиётнинг базавий тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилиш, маҳаллийлаштириш ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига киритилган лойиҳаларни ўз муддатида тўлиқ молиялаштиришни таъминлашга қаратилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 декабрдаги «2017-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича истиқболли лойиҳаларни амалга оширишни давом эттиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2698-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида банклар томонидан рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи ва экспортга

мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга қаратилган инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга 2,6 трлн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Бундан ташқари, республика ҳудудларида замонавий ва юқори технологик ишлаб чиқаришларни ташкил этиш жараёнига хорижий ҳамда маҳаллий инвестицияларни жалб этиш, уларда қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, шунингдек, ҳудудларнинг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш мақсадида ташкил этилган эркин иқтисодий зоналар ҳамда кичик саноат зоналаридаги 40 дан ортиқ лойиҳаларни молиялаштириш учун тижорат банклари томонидан 126 млн. АҚШ доллари эквиваленти миқдоридаги кредитлар берилди (5-расм).



5-расм. Эркин иқтисодий зоналар ҳамда кичик саноат зоналари кесимида инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун 2017 йилда ажратилган кредитлар миқдори, млн. АҚШ доллари³⁷

Банкларда барқарор ресурс базасини кенгайтириш, депозит ва омонатларнинг янги турларини мунтазам равишда жорий қилиш, шунингдек, аҳолидан жамғарма ва муддатли депозитларни қабул қилиш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида банкларнинг кредит портфели ҳажмининг ошишига

³⁷ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2017 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот.28-бет.

эришилади. Бу эса, ўз навбатида банклар томонидан янада кўпроқ инвестиция лойиҳаларини молиялаш имкониятини юзага келтиради.

Тижорат банкларининг кредитлари хўжалик юритувчи субъектларнинг жорий ва инвестицион харажатларини молиялаштириш манбаларидан бири бўлиб, иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Ўтган 2017 йил давомида тижорат банкларининг жами активлари 82,6 трлн. сўмга ёки 98,2 фоизга (2016 йилда – 29 фоиз) ўсиб, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига 166,6 трлн. сўмни ташкил этди.

Жами активлар ўсишининг 64 фоизи ёки 52,8 трлн. сўми миллий валюта алмашув курсининг кескин пасайиши ҳисобига рўй берди. Мазкур омиллар таъсирида банклар активларининг ЯИМга нисбати 2017 йил якуни бўйича 67 фоизга (2016 йилда – 42,2 фоиз) етди.

Таъкидлаш жоизки, 2017 йил якуни бўйича давлат улушига эга тижорат банкларининг банк тизими жами активларидаги улуши янада ошиб, қарийб 82 фоизга (2016 йилда – 77,3 фоиз) етди(1-жадвал).

-жадвал

Тижорат банклари активларининг таркиби³⁸

Банк активлари номи	01.01.2017 й.		01.01.2018 й.	
	суммаси, млн. сўмда	улуши, фоизда	суммаси, млн. сўмда	улуши, фоизда
Кредит қўйилмалари, нетто	52 045	61,9	108 467	65,1
Марказий банкдаги маблағлар	11 958	14,2	14 909	8,9
Бошқа банклардаги маблағлар	10 868	12,9	25 060	15,0
Инвестициялар ва бошқа қимматли қоғозлар	2 621	3,1	4 115	2,5
Асосий воситалар	1 794	2,1	2 335	1,4
Нақд пул маблағлари	1 336	1,6	4 841	2,9
Бошқа активлар	3 453	4,1	6 905	4,1
Жами	84 075	100,0	166 632	100,0

³⁸ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2017 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот.22-бет.

Тижорат банклари кредит қўйилмалари ҳажми ҳисобот йили давомида 58 трлн. сўмга ёки 110 фоизга (2016 йилда – 32 фоиз) ўсиб, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига 110,6 трлн. сўмга етди ҳамда кредит қўйилмаларининг ЯИМдаги улуши 44,4 фоизгача (2016 йилда – 26,4 фоиз) ошди. Кредит қўйилмаларининг (нетто) жами активлар таркибидаги улуши эса 61,9 фоиздан 65,1 фоизгача ошди.

Тижорат банклари кредит қўйилмалари етарли даражада диверсификацияланган бўлиб, республика банк тизимида иқтисодиёт тармоқлари фаолияти билан боғлиқ хатарлар мўътадил даражада шаклланган.

Хусусан, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига тижорат банклари кредит қўйилмаларининг 40,9 фоизи саноат, 14,7 фоизи транспорт ва коммуникация соҳаси, 12,3 фоизи жисмоний шахслар, 4,7 фоизи савдо ва умумий хизмат кўрсатиш соҳаси, 4,3 фоизи қишлоқ хўжалиги соҳасига ҳамда 3,1 фоизи қурилиш соҳаси ҳиссасига тўғри келади (3-жадвал).

3-жадвал

Тижорат банклари кредит қўйилмаларининг тармоқлар бўйича тақсимланиши³⁹

Кўрсаткичлар	01.01.2017 й.		01.01.2018 й.	
	суммаси, млрд. сўм	улуши, фоизда	суммаси, млрд. сўм	улуши, фоизда
Саноат соҳаси	18 347	34,9	45 223	40,9
Транспорт ва коммуникация	7 149	13,6	16 205	14,7
Савдо ва умумий хизмат кўрсатиш соҳаси	4 072	7,7	5 246	4,7
Қишлоқ хўжалиги	3 033	5,8	4 742	4,3
Қурилиш соҳаси	2 218	4,2	3 424	3,1
Моддий ва техник таъминотни ривожлантириш	652	1,2	472	0,4
Уй-жой коммунал хизмати	456	0,9	996	0,9
Жисмоний шахслар	9 379	17,8	13 600	12,3
Бошқа соҳалар	7 304	13,9	20 665	18,7
Жами кредитлар	52 611	100	110 572	100

³⁹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2017 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот.23-бет.

Ҳисобот йили якуни бўйича тижорат банклари жами кредит қўйилмаларининг асосий қисми, яъни 88,4 фоизи давлат улушига эга тижорат банклари ҳиссасига тўғри келган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2017 йил давомида 4,2 фоиз бандга ошган. Бунда чет эл валютасидаги кредит қўйилмаларининг деярли барчаси (94,3 фоизи) давлат улушига эга тижорат банклари томонидан молиялаштирилган(4-жадвал).

4-жадвал

Тижорат банкларининг кредит қўйилмалари (фоизда⁴⁰)

Банк турлари	2016 йил		2017 йил	
	Жами кредитлар	Шундан хорижий валютада	Жами кредитлар	Шундан хорижий валютада
Давлат улушига эга банклар	84,2	94,7	88,4	94,3
Капиталида давлат улуши бўлмаган банклар	15,8	5,3	11,6	5,7


Республикамызда ўтган 2017 йил давомида миллий валюта сиёсатининг либераллаштирилиши ҳисобига жами кредит қўйилмалари таркибида чет эл валютасида ажратилган кредитлар улуши 42,8 фоиздан 62,3 фоизгача ошиши кузатилди. Мазкур кўрсаткич Россия Федерацияси (24,2 фоиз), Қозоғистон (26,3 фоиз), Украина (47,2 фоиз), Беларусь (51 фоиз) ва бошқа айрим МДҲ давлатларидаги кўрсаткичлардан анча юқори бўлиб, республика банк тизимида чет эл валютасида ажратилган кредитларнинг қайтарилиши билан боғлиқ валюта хатарининг диверсификация қилиш масаласининг долзарблигини оширади.

Валюта сиёсатининг либераллаштирилиши натижасида тижорат банклари кредит портфелининг хорижий валютадаги қисми бўйича вужудга

⁴⁰ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумоти.

келиши мумкин бўлган ўзгаришлар ва уларнинг салбий оқибатлари таҳлили ушбу кредитлар бўйича хатарлар банкларнинг валюта маблағларини шакллантириш манбаларига боғлиқ равишда турлича бўлиши мумкинлигини кўрсатди.

Хусусан, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига тижорат банкларининг чет эл валютасидаги жами кредит қўйилмаларининг 35 фоизи Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратилган. Валюта сиёсатининг либераллаштиришга тайёргарлик кўриш доирасида мазкур кредитлар муддатларининг Ҳукуматнинг тегишли қарорларига асосан узайтириб берилиши, жамғарма маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар қайтарилиши билан боғлиқ хатарларнинг бартараф этилишини таъминлади(6-расм).



6-расм.Тижорат банкларининг муаммоли кредитлари динамикаси(млрд. сўмда)⁴¹

Шу билан бирга, Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ўз валюта маблағлари (чет эл валютасида ажратилган кредитларнинг 13 фоизи) ҳамда хорижий молия институтлари маблағлари (32 фоиз) ҳисобидан ажратилган кредитларнинг қайтарилишида муаммолар юзага келиши

⁴¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумоти.

хатарларини ўрганган ҳолда тегишли чоралар кўрилди.

Хусусан, тижорат банклари Бошқарувларига хорижий валютада кредит олган ҳар бир мижоз билан биргаликда ушбу кредитларни қайтариш имкониятларини ўрганиб чиқиш ҳамда мижозларнинг пул оқими амалдаги кредит шартномаси бўйича ўз мажбуриятини амалга оширишга етмаган тақдирда, мижоз билан биргаликда, кредитни қайтариш муддатини узайтириш юзасидан кредит шартномасига тегишли ўзгартиришлар киритиш масаласини кўриб чиқиш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

Шунга мувофиқ, 2017 йилда тижорат банклари томонидан хорижий валютада кредит олган мижозларнинг 91,7 млн. доллар миқдоридаги қисмининг қайтариш муддатлари узайтириб берилди.

Маълумки, банкларнинг кредит портфели – бу турли хил кредит рискларига асосланган муайян мезонларга қараб туркумланган кредитлар миқёсидаги банк талабларининг йиғиндисидир⁴². Ушбу таърифда кредитларнинг маълум бир мезонлар асосида туркумланишига, кредит рискларига алоҳида урғу берилган.

Шу билан бирга, кредит портфели – бу аниқ вақтда актив кредит операциялари бўйича жами асосий қарздорликнинг қолдиғи ҳамдир.⁴³

Кўриб чиқилган таърифларнинг айрим жиҳатларини инобатга олган ҳолда кредит портфелига фикримизча қуйидагича таъриф бериш мумкин: банкнинг кредит портфели- бу бошқариловчи объект сифатида банкнинг актив кредит операцияларини амалга ошириш натижасида маълум бир вақтдаги турли хил мезонларга кўра кредит қолдиқларининг йиғиндисидир.

Банк кредит портфелини шакллантириш мақсади сифатида, биринчидан, даромадлиликни таъминлаш, иккинчидан, риск даражасини назорат қилиш, учинчидан, Марказий банк меъёрий ҳужжатлари талабларига мос келишдир.

Банк кредит портфелининг шаклланишига таъсир қилувчи асосий омиллардан бири сифатида банк хизмат кўрсатиш бозори хусусиятига боғлиқ

⁴² Ш.З.Абдуллаева Банк рисклари ва кредитлаш. Т., “Молия”, 2002. 304 б. Б – 166.

⁴³<https://ru.wikipedia.org> Википедия — эркин энциклопедия маълумотлари

деб айтиш мумкин. Бунда банк ўз миждозларининг қарз маблағларига бўлган эҳтиёжига эътибор қаратиш лозим. Бундан ташқари кредит портфелининг ҳажми ва таркиби банкнинг ресурс базасига бевосита боғлиқ бўлади. Яъни йирик тижорат банклари йирик кредит, кичик банклар эса кичик кредит бериш имкониятига эга бўлади.

5-жадвал

Банк кредит портфели шакли бўйича таснифи⁴⁴

<i>Портфель шакли</i>	<i>Портфель тавсифи</i>
Даромад портфели	Портфель барқарор даромадлиликни таъминловчи, минимал рискга эга бўлган ва доимий равишда фоизларни тўлаш имкониятига эга кредитларга мўлжалланади.
Риск портфели	Портфель юқори рискли кредитлардан шаклланади.
Баланслаштирилган портфель	Портфелда “риск-даромадлилик” дилеммани самарали ечиш нуқтаи назаридан банк кредитларининг таркиби ва молиявий тавсифига мос келувчи кредитлардан иборат бўлади.

Банк кредит портфелини шакли ва турлари бўйича таснифлаш мумкин. Банк кредит портфелини шакли бўйича қараганда унинг риск ва даромад нисбатини ҳисобга олган ҳолда таснифланишини тушуниш керак. Бунда кредит портфелини даромад портфели, риск портфели ва баланслаштирилган портфелга ажратиш мумкин.

Тижорат банки кредит портфелини бошқаришнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- кредит rischi даражасига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва уларни баҳолаш;
- кредитларни риск гуруҳлари бўйича таснифлаш;

⁴⁴ Отамуродов Х. – ТМИ, Тижорат банклари кредит портфели ва уни бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 6, декабрь, 2017 йил

➤ кредит портфелини кредит рисклари, мижозлар таркиби ва кредитлар таркиби бўйича оптималлаштириш;

➤ қарз олувчининг кредитга лаёқатлилиқ даражасини ва унинг молиявий аҳволининг, кредит рискинн прогноз қилиш мақсадида ўзгариши эҳтимолини аниқлаш;

➤ муаммоли кредитларни олдиндан аниқлаш;

➤ яратилаётган захиранинг етарлилигини баҳолаш ва уни ўз вақтида тўғрилаб бориш;

➤ кредитларни диверсификация қилишни, уларнинг ликвидлилигини ва даромадлилилигини таъминлаш;

➤ банкнинг кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни кредит портфелининг сифати таҳлилига асосланган ҳолда тўғрилаб бориш ва бошқалар.

Халқаро банк амалиётида тижорат банклари кредит портфелини мижозларнинг тармоқ хусусиятига кўра диверсификация қилиш кенг қўлланилади. Бунда меъёрий даража сифатида 25% олинган. Яъни, тижорат банклари кредитларининг 25 фоиздан ортиқ қисмини битта тармоқда тўпланиши мумкин эмас. Шу ўринда Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари кредит портфели тармоқлар бўйича хусусиятини ўрганиб чиқамиз.

Тижорат банклари кредит портфели таркибида 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига муаммоли кредитлар қолдиғи 2,2 трлн. сўмни ташкил этиб, жами кредит қўйилмаларидаги улуши 2 фоизни ташкил этган.

2017 йилнинг декабрь ойи давомида Марказий банк томонидан тижорат банклари билан биргаликда уларнинг кредит портфеллари тўлиқ инвентаризациядан ўтказилди ва натижада аниқланган муаммоли кредитлар бўйича активлар қайта таснифланди.

Натижада ҳисобот санасига тижорат банклари томонидан ажратилган кредитларнинг 90,7 фоизи «стандарт», 8,2 фоизи «субстандарт», деб таснифланган активлар ҳисобига тўғри келган ҳамда сифати «қониқарсиз», «шубҳали» ва «умидсиз» деб таснифланган кредитлар қолдиғи 1,2 фоизни

ташкил этди.

Ажратилган кредитлар бўйича яратилган захиралар умумий миқдори 2,4 трлн. сўми ёки банклар жами кредит портфелининг 2,2 фоизини ташкил этиб, ўтган йил бошига нисбатан 3,6 баробар кўпроқ захиралар шакллантирилган.

Ҳисобот санасига тижорат банклари кредитларининг 43,6 фоизи Ҳукумат кафолати, 28,8 фоизи кўчмас мулк, 3,8 фоизи транспорт воситалари ва қолган 23,8 фоизи учинчи шахс кафиллиги ҳамда бошқа таъминотлар асосида ажратилган.

-жадвал

**Тижорат банклари кредит портфелининг таснифланиши
ҳамда яратилган захиралар ҳолати⁴⁵**

Кредитлар таснифланиши	01.01.2017 й.				01.01.2018 й.			
	жами кредитлар, млрд. сўм	улуши, фоизда	яратилган заҳира, млрд. сўм	улуши, фоизда	жами кредитлар, млрд. сўм	улуши, фоизда	яратилган заҳира, млрд. сўм	улуши, фоизда
Стандарт	47 094	89,5	102	15,3	100 235	90,7	290	12,1
Субстандарт	5 126	9,7	369	55,3	9 013	8,2	1 390	58,1
Қониқарсиз	168	0,3	45	6,7	739	0,7	207	8,6
Шубҳали	119	0,2	61	9,1	254	0,2	131	5,5
Умидсиз	105	0,2	91	13,6	332	0,3	377	15,8
Жами	52 611	100,0	667	100,0	110 572	100,0	1 395	100,0

2018 йилнинг 1 январь ҳолатига тижорат банклари кредит қўйилмаларининг 65,1 фоизи Тошкент шаҳридаги ҳамда 34,9 фоизи ҳудудлардаги банк филиаллари томонидан ажратилган бўлиб, мазкур ҳолат ҳудудлардаги йирик инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш асосан тижорат банкларининг Бош банклари томонидан амалга оширилганлигини кўрсатмоқда.

⁴⁵ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумоти.

2017 йил якуни бўйича тижорат банклари томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми 2016 йилга нисбатан 1,3 баробарга ошиб, уларнинг жами молиявий хизматлар таркибида улуши 88 фоизга етди.

Ўз навбатида, тижорат банкларининг кредитлаш имкониятини янада ошириш улар кредит портфелининг сифатига боғлиқ. Бу эса, банклар кредит портфелини бошқариш самарадорлигини оширишни тақозо этади.

2.3. АТ “Халқ банк ” банкда инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг амалдаги ҳолатининг таҳлили

Бугунги кунда Ўзбекистон Халқ банки – бу мамлакатнинг йирик ва кенг шаҳобчаларга эга, аҳолининг кенг катламига, шунингдек республика ҳудудида фаолият юритувчи кредит муассасаларига, корхона ва ташкилотларга хизмат кўрсатувчи универсал банк ҳисобланади. Банк тизимида 14 ҳудудий (вилоят), 198 та туман (шаҳар) филиаллари, 28 та мини-банк, 1 300 та шаҳобчалар, ҳамда “Халқ суғурта” ва “Халқ инвест” шўба корхоналаридан ташкил топиб, Халқ банки тизимида 8 мингдан ортиқ ходимлар фаолият юритади⁴⁶.

7-жадвал.

АТ Халқбанкнинг таркибий тузилмалар кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар (2018 йил 1 январь ҳолатига)⁴⁷

№	Банкнинг таркибий тузилмалари	Сони
1	Филиаллар	198
2	Минибанклар	26
3	Жамғарма кассалар	202
4	Махсус кассалар	653
5	Кўчма сайёр кассалар	2000
6	Халқоро пул ўтказмалари шохобчалари	183
7	Валюта айрибошлаш шохобчалари	54

⁴⁶ www.xb.uz


⁴⁷ Жадвал АТ “Халқ банк ” банк маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган

Натижада бугунги кунда мамлакатнинг тизим ташкил килувчи молия институтларидан бири бўлиб, Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг куйидаги кўрсаткичлари бўйича мутлок пешкадамлар каторига киради:

- филиал тармоклари сони, бозор улуши 86,9%ни ташкил этади;
- Халк банки ходимлари сони (25,3%);
- жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар ҳажми (17,9%);
- аҳоли омонатлари ҳажми бўйича (33,5%).

Халк банки республика йирик банкларининг бешталигига куйидаги кўрсаткичлар бўйича киради:

- юридик ва жисмоний шахслар омонатлари умумий ҳажми бўйича, бозор улуши 12%ни ташкил этади (2-ўрин)
- ялпи даромадлар бўйича (9.3%, 4-ўрин)
- активлар умумий ҳажми бўйича (8.8%, 4-ўрин)
- кредит портфелининг ҳажми бўйича (8.4%, 4-ўрин)
- умумий капитал ҳажми бўйича (9.3%, 5-ўрин).




7-расм. АТ Халқ банкнинг асосий кўрсаткичлари тўғрисида статистик маълумотлар (млн. сўм) 2017 йил 1 декабр ҳолатига.⁴⁸

⁴⁸ Расм АТ Халқ банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишланган

Юқорида келтирилган 7–расм маълумотларига кўра, 2017 йил 1 декабр ҳолатига АТ Халқ банкнинг умумий капитали 2784047,7 млн. сўмни, жами активлари 5806618,8 млн. сўмни, жами кредит қўйилмалари 3012403,7 млн. сўмни ташкил этиб, мазкур санада банкнинг жами аҳоли омонатлари 144 4476,2 млн. сўмга етган, ҳамда банкнинг соф фойдаси 168039,8 млн. сўмни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин.

АТ Халқ банкининг статистик маълумотларига мурожаат қилганимизда, 2018 йил 1 март ҳолатига банк капитали 1 393,2 млрд. сўмни ташкил этиб, 2018 йилнинг 1 январига нисбатан 103,1 фоизга ортганлигини кўришимиз мумкин. (8-расм).


Шунингдек, айнан шу даврда аҳоли омонатлари 2 915,1 млрд. сўм бўлиб, 2018 йилнинг 1 январига нисбатан 103,4 фоизга ошган.



8-расм. АТ Халқ банкнинг капитали ҳақида маълумот(млн. сўмда)⁴⁹

Банкнинг кредит портфели эса, 2018 йилнинг 1 март ҳолатига 3 052,06 млрд. сўм бўлиб, 2018 йилнинг 1 январига нисбатан 100,4 фоизни ташкил этган.

⁴⁹ https://www.xb.uz/sites/default/files/page_files/statistika.pdf



**9-расм. АТ Халқ банкнинг активлари миқдори ҳақида
маълумот(млн.сўмда)⁵⁰**

Банкнинг молиявий барқарорлигини оширишнинг муҳим босқичи сифатида Халқ банкининг устав капиталини 2015-2017-йилларда 185 млрд.сўмга ошириб, 385 млрд. сўмга етказиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015-йил 23-мартдаги ПҚ-2325-сонли Қарори хизмат қилиб, ҳисобот даврида 99 млрд.сўм капитал кўйилмаларида акс этган.

Халқ банки фаолиятининг самарадорлиги кўрсаткичи сифатида йил якуни бўйича олинган соф фойда миқдори 168,1 млрд.сўмни ташкил қилиб, тижорат банклари орасида фахрли иккинчи ўринни эгаллаган⁵¹.

Ўтган 2017 йилда Халқ банкининг “Ахбор Рейтинг” агентлиги томонидан миллий шкала бўйича “узА” - “Барқарор” рейтинги тасдиқланди. Ушбу рейтинг Халқ банки томонидан капиталлашув даражасини ошириш, ресурслар базасини мустаҳкамлаш, активлар сифатини яхшилаш, кўрсатилаётган банк хизматлари кўламини кенгайтириш борасида амалга оширилган ижобий ишларни акс эттиради.

2017 йил 1 декабр ҳолатига банк жалб қилган аҳоли омонатлари 1 344,4 млрд. сўмни ташкил этиб, 2017 йилнинг 1 январига нисбатан 242,3 фоизга,

⁵⁰ https://www.xb.uz/sites/default/files/page_files/statistika.pdf

⁵¹ www.xb.uz

банкнинг депозит базаси эса мазкур сана бўйича 3 677,7 млрд. сўмни ташкил қилиб, депозитлар ўтган йилнинг 1 январига нисбатан 102,6 фоизга ортган.

Халқ банки ижтимоий сиёсат соҳасидаги давлат дастурининг бажарилишини таъминлайди. Бу йўналишда банкнинг фаолияти давлат ва аҳоли (нафақахўрлар, кам таъминланган оилалар ва х.к.) ижтимоий тўловларни ўз вақтида таъминлаш бўйича воситачилик хизматларини кўрсатишда ақс этади.

Шунингдек, Банк хўжалик юритувчи субъектнинг фаолият соҳаси ва мулкчилик шаклидан қатъий назар барча мақсадлар учун бизнесни ривожлантиришга кредитлар ажратади(8 -жадвал).

8-жадвал


АТ Халқ банки аҳолига қуйидаги кредит турларини ажратади:

№	Кредит номи	Кредитлаш мақсади	Кредит муддати	Фоиз ставкаси	Сумма, ЭКИ*	Дастлаб қи бадал тўлови
1.	Оила фаровонлиги	Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар учун	3 йилгача	1 йилга - 16% 2 йилга - 17% 3 йилга - 18%	500	20%
2.	Ижтимоий	Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар учун	1 йилгача	Марказий Банкнинг қайта молиялаш ставкасининг 70%	6	-
3.	Оила Кувончи	Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар учун	1 йилгача	Марказий Банкнинг қайта молиялаш ставкаси	100	
4.	"Талаба" кредити	Ўзбекистон Республикаси фуқаролари-талабалар ўқишини тўлаш	Бакалавриат 1 0 йилгача Магистратура 5 йилгача	қайта молиялаш ставкаси	Шартнома суммаси	-
5.	Ипотека кредити	уйни қуриш, сотиб олиш ёки реконструкция қилиш	15 йилгача	18%	3000	25%
6.	Ўзбекистон Республикаси. Президентининг ПК-308-сонли қарори асосида ажратилувчи микрокредитлар	микрокредитлар	3 йилгача	12%	80	
7.	Хаммага қулай	Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар учун	3 йилгача	1 йилга - 18% 2 йилга - 19% 3 йилга - 20%	500	

Маълумки, тижорат банкларининг кредит портфели, ўз тузилишига кўра, хилма хилдир, унда иқтисодиётнинг турли соҳалари камраб олинади.

Халқ банки томонидан тақдим этилаётган кредитлар бугунги кунда автомобилсозлик, нефт-газ, кимё, электротехника каби юқори технологияли ва стратегик муҳим тармоқларда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Хусусан, 2017 йилнинг 1 декабр ҳолатига банкнинг кредит портфели 3 012,4 млрд. сўм бўлиб, 2017 йилнинг 1 январига нисбатан 128,1 фоизни ташкил этади.

Республикамиз банк тизимида Халқ банк капитали ҳажми ва филиаллар тармоғи сони бўйича иккита ҳамда активлар миқдори бўйича учта энг йирик банклар қаторига киради.



10-расм. Халқбанк кредит портфелининг ўсиш динамикаси⁵²


(млн.сўм)

Банклар томонидан бажариладиган барча кредит операциялари уларнинг кредит портфелида ўз аксини топиши, ҳар бир банк кредит портфелининг сифатли бўлишига эришиши зарур. Бу эса кредитларнинг ўз вақтида қайтиб келишига асос бўлади.

Кредит портфели тўғри ташкил этилиши тижорат банкларининг

⁵² АТ “Халқбанк” йиллик ҳисоботи асосида тайёрланган

самарали фаолият юритиши учун асос ҳисобланади. Банкларнинг кредит портфелини кредитнинг риск даражаси, тармоқлар тузилиши, кредитнинг мақсади, муддати, кредит хажми, таъминланганлик шакли, ресурс манбаси ва мулкчилик шакллари бўйича таснифлаш мумкин. Юқорида келдирилган расм маълумотларидан Халқбанк кредит портфелининг ўсиш динамикаси кузатилганини кўришимиз мумкин. Бу ҳолат Халқбанкида кредит портфелини тўғри таснифланиши ҳамда самарали кредит сиёсати ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади. Шу ўринда Халқ банки томонидан берилган кредитларни тармоқлар кесимида таҳлил қилиш зарур.(11 -расм)



11-расм.АТ “Халқбанк”нинг кредит портфели таркиби⁵³(2017 йил 1 январ ҳолатига, фоизда)

Халқ банки томонидан берилган кредитлардан 1 трлн. 120 млрд. сўми яъни 56 фоизи қишлоқ хўжалигига, 502 млрд. сўми, яъни 25 фоизи саноатга, 137 млрд. сўми, яъни 7 фоизи моддий-техник таъминотга, 227 млрд. сўми, яъни 11 фоизи иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига йўналтирилган.

Ўтган ҳисобот йилида Халқбанк томонидан айнан ана шу мақсадлар учун жами 1 трлн. 987 млрд. сўмдан ортиқ кредитлар ажратган.

⁵³ АТБ “Халқбанк” йиллик ҳисоботи

Ҳукуматимиз томонидан сўнгги йиллар давомида Республикаимизнинг аграр секторини янада барқарор ривожлантиришга жуда катта эътибор билан ёндашилмоқда, бунинг натижасида мазкур соҳада улкан ютуқларга эришилмоқда. Қишлоқ хўжалик ва саноат корхоналарининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотини ишлаб чиқарувчилари таркибида қайта ишловчи замонавий корхоналарни барпо этиш, юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш мақсадида замонавий технологиялар ҳамда ускуналарни татбиқ қилиш, ички бозорни маҳаллий озиқ-овқат товарлари билан тўлдиришга йўналтирилган лойиҳаларни ишга тушириш мақсадида молия муассасалари томонидан кредит маблағлари ажратиш орқали қўллаб-қувватлаб келинмоқда.

II-боб бўйича хулоса

Ўтган 2017 йил I ярим йиллигида банкларнинг кредитлаш фаоллигининг ошиши миллий валютадаги пул массасининг ўсиш суръатини 15 фоиз ошишига ва иқтисодиётда нархлар даражасига таъсир кўрсатди. Шундан келиб чиқиб, инфляция жараёнларини жиловлаш ва пул массасининг ўсиш суръатларини чеклаш мақсадида 2017 йилнинг 28 июнидан Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 9 фоиздан 14 фоизга оширилди.

Валюта сиёсатини либераллаштириш 2017 йилнинг иккинчи ярим йиллигида пул-кредит сиёсатининг ўзгаришини аниқлаб берган муҳим макроиқтисодий омиллардан бири бўлди.

Лойиҳаларни молиялаштиришда инвестицион кредитлардан фойдаланиш жараёнида ҳали ўз ечимини топмаган муаммолар мавжуд.

Инвестицион лойиҳаларнинг аксарият қисми инвестицион кредитлар ҳисобидан молиялаштирилади. Кредит рискининг чуқурлашиши натижасида инвестицион кредитнинг ўз вақтида қайтмаслик rischi вужудга келади.

Тижорат банкларининг долзарб муаммоларидан бири баланс маълумотлари ва кредит портфелининг таҳлили асосида кредит рискларини бошқариш ҳисобланади. Кредитларни риск синфларига гуруҳлаш, уларни

таҳлил қилиш, минималлаштириш ва банк манфаатини ҳимоя қилиш усуллари ишлаб чиқиш кредит рискларини камайтиради. Ишлаб чиқишида пасайиш бўлаётган корхона ва тармоқларда кредитнинг тўпланишидан воз кечиш лозим.

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда кредитнинг фаоллигини ошириш учун банкларда кредит турлари (лизинг, синдицит ва бошқар)ни кўпайтириш; банкларнинг тўловга қобилиятлилиги ва ишончлилигини ошириш; банк депозитлари учун мажбурий захиралар меъёрини пасайтириш; ҳукумат қарорлари асосида амалга ошириладиган дастурлар натижасида банк томонидан қўрилган зарарларни бюджет ҳисобидан қоплаш; омонатлар ва инвестиция кредитларидаги фоиз ставкалари ўртасидаги номутаносибликларни бартараф этиш мақсадга мувофиқдир.

Маблағлар етишмаслиги ва банк рискини камайтириш муаммоларини ҳал қилиш мақсадида синдикатлашган кредит таклиф қилиниши мақсадга мувофиқдир. Синдикатлашган кредитлаш ёрдамида банклар йирикроқ лойиҳаларни кредитлаш ва рискни синдикат иштирокчилари ўртасида тақсимлаш имконига эга бўладилар.

III БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА УЗОҚ МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари

Бугунги кунда тижорат банклари томонидан узоқ муддатли кредитлаш жараёнида, инвестицион кредитларни тўла қувват билан ишлаб кетиши ва бу секторни ривожлантириш учун бир канча муаммолар мавжуд. Улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси хўжалик субъектлари ва аҳолиси узоқ муддатли кредит олишга қуйдаги муаммо ва камчиликлар мавжуд бўлганлиги сабабли мурожаат қилмаяптилар:

- корхоналарни капиталлаштириш даражасининг пастлиги;
- менежмент ва маркетингни мукамал ташкил этишнинг чекланганлиги;
- йирик бизнес субъектларига юқори даражада қарамлик;
- маъмурий текшириш ва назоратнинг сақланиб қолинаётганлиги;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий имкониятларининг чекланганлиги;
- корхона раҳбарларининг малакаси етарли даражада эмаслиги;
- товар ва хизматлар рақобатбардошлигининг паст даражадалиги;
- хўжалик юритувчи субъектлар орасида ўзаро ишончсизликнинг юқори даражада бўлганлиги;
- фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти етарли эмаслиги.

Тижорат банклари учун мавжуд муаммолардан бири кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан берилган узоқ муддатли кредитларни қайтариб бермаслик ҳоллари ҳам кўплаб учрамоқда.

Шунингдек инвестицион кредитлаш хизматларини кўрсатувчи бошқа

нобанк кредит ташкилотлари олдида ҳам бир қанча муаммолар мавжуддир. Жумладан, мамалакатда пул муомаласини барқарорлиги ва кредит ресурслари самарадорлигини таъминлаш учун аҳолининг бўш пул маблағларини банкларга жалб қилиш мақсадида аҳолининг тижорат банкларидаги омонатларидан олинадиган даромадалар, солиқ кодексининг 179 – моддасига асосан жисмоний шахсларнинг слиқ солинмайдиган даромадлари қаторига киритилган. Лекин нобанк кредит тузулмалари аҳоли жамғармаларидан олинган даромадларга эса солиқ муносабатларининг тижорат банкларига қўлланилаётган имтиёзли тизими жорий қилинмаган. Бу ўз навбатида нобанк кредит институтларининг ресурс баъзасининг камайишига ва улар томонидан бериладиган кредитларнинг қимматалашувига сабаб бўлмоқда.

Бугунги кундаги тижорат банклар ва бошқа нобанк молиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотларнинг ойлик ва йиллик фоиз ставкалари, ажратилаётган кредитларга қўйилаётган фоиз таваккаллари тўғрисида маълумотларга кўра тижорат банклари томонидан аҳолининг бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилиш мақсадида турли хил омонат турлари ташкил қилинган бўлиб, улар бўйича фоиз ставкалари йиллик 18 – 20 фоизни ташкил этади. Нобанк кредит институтлари томонидан ҳам турли туман омонат турлари ташкил қилинган бўлиб, улар томонидан белгиланган фоиз ставкалари йиллик 60 фоизгача ўрнатилади. Юқоридаги рақамлардан кўриниб турибдики нобанк кредит институтларининг депозит қўйилмаларига ўрнатилган фоиз ставкалари тижорат банкларининг депозит қўйилмаларига ўрнатилган фоиз ставкаларига қараганда 2 баробар кўпдир, бу эса ўз навбатида улар томонидан кредит учун белгиланадиган фоиз ставкаларида ўз аксини кўрсатади.

Шунинг учун нобанк кредит институтларига жалб қилинадиган аҳоли депозиларига нисбатан юқоридаги каби солиқ имтиёзларининг жорий қилиниши мижозларга узоқ муддатли кредит беришнинг кенгайишига ва ўз навбатида мижозларнинг узоқ муддатли кредитларга бўлган эҳтиёжининг қондирилишига, буларнинг барчаси ўз навбатида иқтисодиётнинг

ривожланишига ҳамда аҳоли фаровонлигини ошишига катта ҳисса қўшади.

Қишлоқ жойларда банк – молия хизматлари кўламини кегайтиришга тўсқинлик қилаётган кўрсаткичларнинг асосий сабаби, вилоятларнинг барча туманлари ва қишлоқларида электр ҳамда алоқа хизматлари тўғри йўлга қўйилмагалигидир.

Вилоятларнинг барча туман марказларида ҳамда энг чекка қишлоқларида маҳаллий аҳоли билан доимий мулоқотда бўлиш, айнан шу жойларда банк-молия муассасаларини ташкил этиш лозим.

Юқорида биз Ўзбекистонда узоқ муддатли кредитлаш жараёнининг амалиётини ўрганиб чиқдик. Шунга кўра республикамизда тижорат банкларининг кредитлаш амалиётида долзарб муаммолар сифатида қуйидигилар мисол бўла олади:

1.Республикамиз тижорат банкларининг қатор филиалларида кредитларни расмийлаштириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш жараёнида камчиликлар мавжуд. Жумладан, муддати ўтган кредитларни ўз вақтида “Муддати ўтган кредитлар” ҳисобрақамларида акс эттирмаслик таснифланган кредитлар бўйича заҳираларни тўлиқ шакллантирмаслик ҳоллари мавжуд.

2. Кредитлаш шакллари ва усулларида тўлақонли фойдаланиш муаммоси.

Бу муаммоларни бартараф этиш учун хорижий давлатлар тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитлаш амалиётини такомиллаштириш борасидаги тажрибаларидан республикамиз банк амалиётида фойдаланиш имкониятлари яратилиши керак:

-кредитлашнинг халқаро банк амалиётида кенг қўлланиладиган овердрафт ва контофрент шаклларида республикамиз банклари кредитлаш амалиётида фойдаланиш мақсадга мувофиқ;

Тижорат банклари миқозларининг асосий қисмида юқори ликвидли гаров объектларининг етишмаслигини ҳисобга олиб, банкларда миқозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг молиявий кўрсаткичлар тизимидан

тўлиқ фойдаланишни йўлга қўйиш лозим.

Республикамизнинг бир қатор тижорат банкларида қўлланилаётган кредитга лаёқатлиликини баҳолаш кўрсаткичлари миқдорнинг пул оқимини реал даражасини аниқлаш имконини бермайди. Фикримизча, баҳолаш тизмига хос бўлган икки асосий камчилик мавжуддир:

-биринчидан, етарли даражада баҳолаш кўрсаткичларидан фойдаланилмаётганлиги;

-иккинчидан, ўртача тармоқ кўрсаткичларини доимий равишда ва ҳаққоний тарзда эълон қилинмаётганлиги.

Узоқ муддатли кредитлар берадиган ташкилотлар яъни молиявий институтларни қўллаб – қувватлаш, уларни сонини кўпайтиришдан асосий мақсад, тадбиркорлик субъектларининг ва фуқароларни тадбиркорлик фаолиятларини амалга ошириш учун уларнинг молиявий маблағлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини таъминлашдан иборатдир. Албатта юқорида санаб ўтилган вилоятларда тадбиркорлик субъектлари ва янгитдан тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилаётган фуқаролар мавжуд, афсуски улар фақат тижорат банкларига мурожат қилиш билан чекланиб қолмоқдалар.

Молиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотларнинг республика ҳудудларида ташкил этишнинг энг асосий сабаби, аҳолининг баъзи қатламларида тадбиркорлик фаолиятни ривожлантириш учун молиявий аҳволи етарли эмас, бироқ асосийси уларда хунармандчилик санъатининг энг ноёб азалий усуллари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нес-нобуд қилмасдан жойида қайта ишлаш имкониятлари мавжуд.

Хусусий тадбиркорлик субъектларини хорижий узоқ муддатли кредит линиялари орқали ва Республика тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитлари орқали кредитлаштиришнинг мавжуд муаммоларини ҳал этиш бевосита икки томонлама манфаатларни ҳисобга олиб самарали иш олиб бориш орқалигина ўз ечимини топиши мумкин. Ўзбекитон Республикаси иқтисодиётида модернизация этилиши жараёни тезлашмоқда, миллий ишлаб чиқариш ривожланмоқда, мамлакат экспорт салоҳияти кўтарилиб, ишсизлик

муаммолари хал этилмоқда ва умуман олганда мамлакатда иқтисодийнинг барқарорлашувига эришиш имкониятлари тўлиқ шакилланмоқда.

Юқорида кўриб ўтилган ва қилинган таҳлиллар исботи сифатида, банклар кредит портфелининг умумий ҳажмида узоқ муддатли кредитларнинг улушига қараб давлат томонидан турли имтиёзлар берилаётганлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилиш мумкин. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги ПҚ-1166-сон “Тижорат банкларнинг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил 30-31-сон, 343-модда) 3 бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 18.09.2009 йил №92-сонли, Марказий банк бошқарувининг 18.09.2009 йил 26/1-сонли ва Давлат солиқ қўмитасининг 18.09.2009 йил 28-сонли қўшма қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 19.10.2009 йил 2021 рақам билан рўйхатга олинган “Тижорат банклари томонидан кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушига қараб фойда солиғи бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисида” ги низом тасдиқланган. Ушбу қонуний ҳужжатларнинг барчасида корхоналарни, айниқса ишлаб чиқариш корхоналарини узоқ муддатли, яъни инвестицион кредитлашни ривожлантиришга имиёз ва преференциялар беришининг қонуний асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳозирда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида кўзда тутилган лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш ишларининг жадаллаштириш ҳисобига тижорат банкларининг кредитлаш бўйича фаоллиги ошди. Бу ўз навбатида иқтисодийда пул таклифи ва ялпи талабнинг сезиларли даражада ошиши ҳамда натижада инфляция суръатларининг тезлашишига олиб келган. Бундай шароитда валюта бозорини либераллаштириш чораларининг кўрилганлиги, пул-кредит сиёсатини амалга оширишнинг макроиқтисодий шарт-

шароитларига сезиларли ўзгариштиришлар киритилганлиги натижасида, банкдан ташқари пул маблағларининг банк тизими орқали айланиш жараёнини жадаллашишига замин яратди.

Шунингдек, бугунги кунда истикболли йирик лойиҳаларни белгилаш ва амалга оширишда жиддий хатоликларга йўл қўйилгани, хорижий кредитлар самарасиз ишларга сарфлангани иқтисодиёт ривожига ҳалақит бераётганлиги кузатилган. Жумладан, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида охириги 10 йилда 17 та лойиҳа доирасида 618 миллион доллардан зиёд хорижий кредит маблағлари жалб этилган.⁵⁴ Бироқ, шунча валюта самарали ишлатилиб, аниқ натижага эришилмаган. Шу сабабдан, республикамизда четдан кредит ва сармоялар олиб келиш бўйича замонавий самарали тизим яратиш ва ҳар бир кредитни аниқ ишлатиш юзасидан изчил чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилмоқда.

Тижорат банкларининг инвестицион кредитлари улушини ошириш бўйича қўрилган чоралар туфайли 3 йилдан ортиқ муддатга берилган кредитларнинг банklar кредит портфелининг умумий ҳажмидаги улуши ҳозирги пайтда 76 фоизга етган ва сўнгги ўн йилда 28 баравар кўпайган. Бу борада, аҳолининг, айниқса, бюджет соҳаси ходимларини, кам таъминланган оилаларни уй-жой муаммосини ҳал қилишда тижорат банкларининг узоқ муддатли имтиёзли кредитлари ҳисобига ипотека кредитлари асосида арзон уй-жойлар қуриш лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Республикамизда амалга оширилаётган валюта сиёсати бизнес ва иқтисодиётни ривожлантириш манфаатларига тўлиқ хизмат қилиши, ҳамда инвестиция фаолиятини ривожланишига ижобий туртки бериши керак. Бу борада, солиқ сиёсатини амалга оширишда кескин чора-тадбирлардан воз кечиш зарур, чунки давлат тизимининг узлуксиз фаолият кўрсатиши учун бюджет барқарорлигини таъминлаш, Ўзбекистонда йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун инвесторларга жозибали инвестицион

⁵⁴Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22.12.2017

мухитни яратиш мақсадида солиқ тизимини такомиллаштириш лозим.

Шуни таъкидлаш жоизки, кредит беришнинг ушбу қоидаларини қўллаш банк захираларидан янада самарали фойдаланишга, банклар ликвидлигини оширишга, уларни ҳақиқатдан химоя қилишга, шунингдек иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш секторини ривожлантиришга имкон яратади.

3.2. Тижорат банкларида узоқ муддатли кредитлаш механизмининг истиқболлари

Маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимизда ишчанлик ва инвестиция муҳитини янада тубдан яхшилаш, бизнесни юритишнинг жаҳон амалиётида қабул қилинган баҳолаш мезонларини жорий этиш ва шу асосда мамлакатнинг халқаро рейтингини янада кўтариш борасида изчил комплекс чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Хусусан, бу борада Президентимиз Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтган, -“ Биз, аввало, четдан кредит ва сармоялар олиб келиш бўйича самарали тизим яратишимиз, ҳар бир кредитни аниқ ишлатишни ўрганишимиз лозим. Бу масалада етти ўлчаб, бир марта кесадиган, оқибатини пухта ўйлаб иш олиб борадиган давр келди. Шу нуқтаи назардан, давлатнинг инновацион янгиланиш дастурини шакллантириш, инновация ва инвестициялардан самарали фойдаланадиган янги авлод кадрларини, янги сармоядорлар синфини тайёрлаш ўта муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун Ўзбекистонни технологик ривожлантириш ва ички бозорни модернизация қилиш бўйича кучли миллий ғоя, миллий дастур керак. Ушбу дастур Ўзбекистонни жаҳондаги тараққий топган мамлакатлар қаторига тезроқ олиб чиқишга имкон яратиши лозим⁵⁵”.

Бугун Марказий ва тижорат банкларининг малакали мутахассислари маҳаллий ҳокимиятлар ва манфаатдор жамоатчилик ташкилотлари билан биргаликда жойларда тадбиркорлар ва аҳоли билан туркум иш учрашувлари

⁵⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22 .12. 2017 й.

ташкил этиб, уларда мамлакат банк тизимидаги энг сўнгги эркинлаштириш чоралари батафсил шарҳлаб берилмоқда. Ана шундай чоралардан бири тадбиркорлик тараққиётининг янги ундалмаларига жавоб берадиган кичик тадбиркорлик субъектларини кредитлашнинг янги тартиби бўлиб, унда бизнес тузилмаларни қўшимча рағбатлантириш ва имтиёзлар бериш чоралари кўрилган.

Янги тартибга мувофиқ кредитлаш объектлари - микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари сафига оилавий корхоналар ва хусусий тадбиркорлар ҳам қўшилди.

Кредит ажратиш ва уни қоплаш муддатлари ўзгарди. Кредитланаётган тадбирнинг ўзини-ўзи қоплашини ҳисобга олиб, қарз олувчи ўз фаолиятини бошлаши учун айланма маблағларни шакллантириш ва инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосланишини ишлаб чиқиш учун 12 ойгача кредит ажратилади. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун илгари кредитлар узайтириш ҳуқуқисиз беш йил муддатгача берилган бўлса, эндиликда инвестиция кредитлари муддати Банк кенгаши томонидан белгиланади. Бундан ташқари, агар айланма маблағларни тўлдириш учун кредитлар бир йилгача ажратилган бўлса, эндиликда бундай маблағларни бериш муддати бир ярим йилгача чўзилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун айланма маблағларни тўлдиришга ажратилган кредитларни қоплаш муддати 24 ойгача чўзилди.

Ҳозирги пайтда барча кредитлар бўйича имтиёзли даврни белгилаш ҳуқуқи тижорат банклари томонидан ўрнатилади. Авваллари фақат инвестиция мақсадлари учун берилган кредитлар бўйича имтиёзли давр белгиланар эди.

Бунда кредитдан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси кредит шартномаси асосида белгиланади.

Шунингдек, қарз олувчилар олинган кредит суммасини муддатида илгари қайтариш ва улардан ҳақиқатда фойдаланилган давр учун ҳисобланган фоизларни тўлашга ҳақлидир.

Кредитни расмийлаштириш жараёнлари максимал даражада соддалаштирилди ва оптималлаштирилди. Энди қарз олувчилар банкка кредит аризаси билан банк ҳисобрақамидаги пул маблағлари оқими кўрсатилган ҳолда бизнес режаларини нафақат қоғозда, балки электрон шаклда топширишлари кифоя.

Тақдим этиладиган зарур ҳужжатлар тўпламига сўнгги ҳисобот давридаги бухгалтерия баланси, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумот, 90 ва ундан ошиқ муддатдаги қарздорликлар бўйича таққослама акт, шунингдек, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботлар киритилди. Авваллари бундай ҳужжатларни фақат деҳқон хўжаликлари тақдим этмасди, эндиликда бундай енгиллик янги ташкил топган юридик шахсларга, якка тадбиркорларга ва юридик шахс бўлмасдан фаолият кўрсатаётган деҳқон хўжаликларига ҳам тааллуқлидир.

Шунингдек, банкка кредит таъминоти ҳам тақдим этилади. Бу гарови мулки ёки қимматли қоғоз, банк ёки суғурта ташкилотининг кафолати, учинчи шахсларнинг кафиллиги, суғурта компаниясининг қарз олувчи томонидан қопланмаслик rischi бўйича суғурта полиси бўлиши мумкин.

Қарз олувчи аризаси аввалгидек 3 кун ичида кўриб чиқилади ва кредит кўмитасининг қарори чиқарилади. Ариза “Аризаларни қайд қилиш китоби”да қайд этилади ва қарз олувчига ариза қабул қилингани ҳақида маълумот берилади. Электрон тарздаги аризага электрон жавоб берилади.

Тижорат банклари тез орада тадбиркорлик субъектлари ҳисобрақамларидан солиқ ва давлат бюджетига ўтказилаётган бошқа мажбурий тўловлардан тўлов ундиришдан воз кечадилар.

Ишчанлик муҳитини такомиллаштириш мақсадида тижорат банклари аҳоли ва мижозлар билан ҳамкорлик қилишнинг электрон шаклларини жорий этиш чораларини кўришмоқда. Президент фармонида биноан банklar Ягона давлат интерактив хизматлари порталида “тадбиркорлик субъектининг кабинети” орқали интерактив хизматлар кўрсатишни тезроқ киритиш чораларини кўрмоқда. Ана шундай кабинет туфайли тадбиркорлар учун

офисида туриб молия, солиқ, статистик ва бошқа ҳисоботларни тақдим этиш ва расмийлаштириш имконияти пайдо бўлади. Интернет-банкнинг тизими орқали хизмат кўрсатиш кенгайтирилади, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар, коммунал тўловлар, лицензия ва рухсатномалар учун олинадиган давлат божлари ва йиғимларини мана шу тизим орқали амалга оширишлари мумкин. Яқин орада назорат-касса ва бошқа тўлов терминаллари олиш учун электрон ариза топширишнинг ўзи кифоя қилади. Тадбиркорлар тез орада бир йил муддатгача олинадиган миллий валютадаги кредит ариза ва бошқа ҳужжатларини “битта дарча” принципида электрон шаклда топширишлари мумкин.

Шу билан бирга, иқтисодиётни кредитлаш ҳажмларини кенгайтириш натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган кредит хатарларининг олдини олиш мақсадида тижорат банклари томонидан активларни диверсификация қилиш, шу жумладан, кредит портфелини яхшилаш, таваккалчиликларни самарали бошқаришга қаратилган зарур чора-тадбирлар мунтазам равишда амалга ошириб борилади.

Магистрлик диссертацияси юзасидан олиб борган тадқиқотларимиз натижасида Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида узоқ муддатли кредитлашни такомиллаштириш йўллари бўйича қуйидагиларни таклиф этамиз:

- тижорат банкларининг инвестиция сиёсати, мамлакатда амалга оширилаётган маҳаллийлаштириш дастурини молиявий қўллаб-қувватлашга, аҳоли эҳтиёжи учун бирламчи ҳисобланган янги ишлаб чиқаришларни яратишга, фаолият юритаётган корхоналарни модернизация қилишга, уларни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича инвестицион лойиҳаларни узоқ муддатли кредитлашга йўналтирилиши зарур.

- узоқ муддатли кредитлаш механизмларини янада такомиллаштириш йўли, яъни банкнинг инвестицион фаоллиги ва кредитлаш ҳажмларини кенгайтириш, ўз навбатида ушбу мақсадлар учун банкнинг узоқ муддатли ресурс базасини мустаҳкамлашга қаратилган амалий ишларни олиб боришга

боғлиқ;

-банклар томонидан инвестицион кредитлар кичик бизнес субъектларини, жумладан оилавий тадбиркорликни ва ёш оилаларни молиялаш, кредитлашни кучайтириш орқали қўллаб-қувватлаш йўли билан “Соғлом бола йили” Давлат дастурини амалга оширишда иштирок этишда, янги ишлаб чиқаришни ташкиллаштиришга ёки мавжуд озиқ-овқат ва нооziқ-овқат истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқаришларни, маҳаллий хом-ашёни чуқур қайта ишлашни кўзда тутувчи ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги иш ўринларини яратиш, жумладан аёллар меҳнатидан фойдаланган ҳолда чекка жойларда ва ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган минтакаларда амалга оширилувчи лойиҳаларга, аҳоли бандлигини таъминлашга кредитлар тақдим этиш лозим;

- банклар томонидан паст рентабеллик нотурғун ва иқтисодий жиҳатдан ночор корхоналар фаолиятларини қайта тиклаш ва уларга стратегик инвесторларни жалб қилиш зарур;

- молия-банк фаолияти соҳасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, банкни юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш керак.

Умуман олганда, амалга оширилаётган ўзгаришлар мамлакат иқтисодий ҳаётидаги ишчанлик ва инвестиция муҳитини яхшилайти, банк ва тадбиркорлик доиралари ўртасидаги муносабатларга ижобий таъсир кўрсатади.

III -боб бўйича хулоса

Тижорат банкларида узок муддатли кредитлашдаги қатор муаммоларни умумлаштириб, қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

- инвестицион лойиҳа (маҳсулотлар бозори) бўйича маркетинг тадқиқотларининг чуқур олиб борилмаслиги ва бу лойиҳанинг келгусидаги пул оқимлари ҳаракатининг барқарорлигига ҳамда кредитни қайтариш манбасининг ишончсизлигига салбий таъсир этиши, шу билан бирга хом

ашёни етказиб бериш ва махсулотларни сотиш бозорларида маркетинг тадқиқотларнинг тўлиқ ва ҳақиқий олиб борилмаслиги;

- инвестицион лойиҳаларни кредитлаш жараёнини тартибга солувчи меъёрий-ҳукукий ҳужжатлар тўла маънода такомиллашмаганлиги ва уларнинг тез ўзгарувчанлиги, бунинг натижасида кредит оловчиларнинг ушбу ўзгаришлардан беҳабар қолишлари;

- инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш натижасида кўзланган даромаднинг (лойиҳа бўйича пул киримлари) ўз вақтида келиб тушмаслик рискининг мавжудлиги ва бундай рискларнинг омиллари ишлаб чиқариш жараёни ва махсулотни сотиш, харидорлар билан ўзаро ҳисоб-китоблар, бозор конъюнктурасининг ўзгариши ёки мавсумий тебранишлар билан боғлиқ бўлиши;

- инвестицион лойиҳалар ташаббускорлари дуч келаётган асосий муаммолардан бири - молиялаштиришнинг муқобил усулларида (лизинг кредити) сушт фойдаланиши, лизингнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб етмаслиги;

Тижорат банкларида узоқ муддатли кредитлашда лойиҳани молиялаштиришни ташкил этиш ва амалга ошириш, инвестиция лойиҳасини мониторингини ташкил этиш ва кредитни фойзалари билан қайтариб олишда бир қатор камчиликлар кўзга ташланади. Ана шу жихатдан қуйидаги таклиф ва тавсияларни ўринли деб ҳисоблаймиз:

Ҳозирги кунда тижорат банклари узоқ муддатли кредитлардан кенг фойдаланиб инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришни амалга оширмоқдалар. Лекин, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш узоқ муддатга кўпгина маблағ сарф қилишни талаб қилганлиги сабабли барча тижорат банклари ҳам лойиҳавий молиялаштириш билан шуғуллана олмайдилар. Шунга қарамай, Ўзбекистонда жуда кўплаб молиялаштиришни талаб этадиган инвестиция лойиҳалари мавжуд бўлиб, уларни амалга ошириш иқтисодиётни ривожлантиришга, маҳаллий ишлаб чиқариш даражасини кўтаришга олиб келади.

Хулоса ва таклифлар

Биз “Тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитлаш механизмини такомиллаштириш йўллари” мавзуидаги магистрлик диссертациясини тайёрлаш юзасидан олиб борган изланишларимиз натижасида қуйидаги хулоса ва тўхтамга келдик.

1. Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида кўзда тутилган лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш ишларининг жадаллаштириш ҳисобига тижорат банкларининг кредитлаш бўйича фаоллиги ошган. Бу ўз навбатида иқтисодиётда пул таклифи ва ялпи талабнинг сезиларли даражада ошиши ҳамда натижада инфляция суръатларининг тезлашишига олиб келган. Бундай шароитда валюта бозорини либераллаштириш чораларининг кўрилганлиги, пул-кредит сиёсатини амалга оширишнинг макроиқтисодий шарт-шароитларига сезиларли ўзгариштиришлар киритилганлиги натижасида, банкдан ташқари пул маблағларининг банк тизими орқали айланиш жараёнини жадаллаштиришга замин яратилган.

2. Бугунги кунда истиқболли йирик лойиҳаларни белгилаш ва амалга оширишда жиддий хатоликларга йўл қўйилгани, хорижий кредитлар самарасиз ишларга сарфлангани иқтисодиёт ривожига халақит бераётганлиги кузатилган. Жумладан, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида охириги 10 йилда 17 та лойиҳа доирасида 618 миллион доллардан зиёд хорижий кредит маблағлари жалб этилган.⁵⁶ Бироқ, шунча валюта самарали ишлатилиб, аниқ натижага эришилмаган. Шу сабабдан, республикада четдан кредит ва сармоялар олиб келиш бўйича замонавий самарали тизим яратилди ва ҳар бир кредитни аниқ ишлатиш юзасидан изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

3. Тижорат банкларининг инвестицион кредитлари улушини ошириш бўйича кўрилган чоралар туфайли 3 йилдан ортиқ муддатга берилган

⁵⁶Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22.12.2017

кредитларнинг банклар кредит портфелининг умумий ҳажмидаги улуши ҳозирги пайтда 76 фоизга етган ва сўнгги ўн йилда 28 баравар кўпайган. Бу борада, аҳолининг, айниқса, бюджет соҳаси ходимларини, кам таъминланган оилаларни уй-жой муаммосини ҳал қилишда тижорат банкларининг узоқ муддатли имтиёзли кредитлари ҳисобига ипотека кредитлари асосида арзон уй-жойлар қуриш лойиҳаси амалга оширилмоқда.

4.Республикамизда амалга оширилаётган валюта сиёсати бизнес ва иқтисодиётни ривожлантириш манфаатларига тўлиқ хизмат қилиши, ҳамда инвестиция фаолиятини ривожланишига ижобий туртки бериши керак. Бу борада, солиқ сиёсатини амалга оширишда кескин чора-тадбирлардан воз кечиш зарур, чунки давлат тизимининг узлуксиз фаолият кўрсатиши учун бюджет барқарорлигини таъминлаш, Ўзбекистонда йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун инвесторларга жозибали инвестицион муҳитни яратиш мақсадида солиқ тизимини такомиллаштириш лозим.

Юқоридаги ҳулосаларга таяниб, тижорат банкларида узоқ муддатли кредитлаш механизмининг такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади деб ҳисоблаймиз ва мавзу бўйича олиб борилган таҳлилий-илмий изланиш натижасида қуйидаги таклифларни ишлаб чиқишга муваффақ бўлдик:

1. Тижорат банкларида кредит ресурсларини инвестиция мақсадларига самарали тақсимлаш, кредит таваккалчиликлари даражасини камайтириш ва истиқболли инвестиция лойиҳаларини танлаш бўйича ишлар сифатини оширишга доир чора – тадбирларни амалга ошириш, бу борада пухта режалаштирилган, узоқ муддатга мўлжалланган ягона концепсияни ишлаб чиқиш зарур.

2. Саноатда юқори технологияли ва замонавий муҳим объектлар қувватларини ишга туширишда, инвестиция жараёнини жадаллаштириш ва унда лойиҳаларни шакллантиришнинг янги механизмининг жорий этиш бўйича қарорлар қабул қилиш, шошма-шошарлик билан ишлаб чиқиладиган сохта инвестиция дастурларини қабул қилиш амалиётидан бутунлай воз кечиш лозим;

3. Тижорат банкларида инвестиция лойиҳаларининг экспертизаси сифатини, шу жумладан, ушбу жараён шаффофлигини ошириш, лойиҳа экспертизаси жараёнида барча потенциал омиллар ва рискларни инобатга олишни таъминлаш даркор;

4. Тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитлаш жараёнининг стратегиясини ишлаб чиқиш ва унда илғор хориж тажрибасидан фойдаланиб, банк амалиётида рискларни тўғри баҳолаш лозим;

5. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида узоқ муддатли кредитларни расмийлаштириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритишда йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш мақсадида тижорат банклари ички аудит хизмати ходимларининг маъсулиятини ошириш зарур;

6. Тижорат банклари томонидан хўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналар билан биргаликда ташкил этилаётган инвестицион лойиҳаларни ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича инжиниринг компаниялари фаолиятини ривожлантириш керак;

7. Молия-банк фаолияти соҳасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, банкнинг юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш керак.

Юқорида қайд этилган таклиф ва тавсияларни банк амалиётига тадбиқ қилиниши республикаміздаги тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитлаш фаолиятини самарадорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади деб умид қиламиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент Фармонлари ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.:Ўзбекистон, 2018-80б.
- 1.2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси. Т. Адолат 2014
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Қонун, Т.: Ўзбекистон, 21 декабр 1995 йил.
- 1.4. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонун, Т.: Ўзбекистон, 25 апрел 1996 йил.
- 1.5. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонун, Т.: Ўзбекистон, 12 сентябр 2014 йил .
- 1.6. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тижорат тўғрисида”ги Қонуни Т.: “Ўзбекистон” 23 май, 2015 йил.
- 1.7. Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни Т.: “Ўзбекистон” 6 январ 2012 йил.
- 1.8. Ўзбекистон Республикасининг “Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида” ги Қонуни 4 апрел 2006 йил
- 1.9. Ўзбекистон Республикаси “Электрон тўловлар тўғрисида”ги Қонуни 16 декабр 2005 йил
- 1.10. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида” ги Қонуни Т.: Ўзбекистон декабр, 2003 йил
- 1.11. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги Қонуни 29 апрел 2004 йил
- 1.12. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори № 2344. 06. 05. 2015 йил
- 1.13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси инвестициялар бўйича Давлат Қўмитасини ташкил этиш тўғрисида” N ПФ-4996 сонли Фармони. 31.03.2017 й.

1.14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3270-сон Қарори. 12.09.2017.

1.15. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг “Ўзбекистон Республикасида давлат қикска муддатли қарз мажбуриятларини чиқариш тўғрисидаги” низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида” Қарори Тошкент ш. 5 март 2016 йил, № 5

1.16. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредит бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида» Қарори. Тошкент ш., 2016 йил 27 феврал, 4/2-сон

1.17. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларининг чоп этиладиган йиллик молиявий ҳисоботларига қўйиладиган талаблар тўғрисида [низомга](#) ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида” Қарори Тошкент ш., 2016 йил 20 феврал, 4/1-сон

1.18. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг “Банкларнинг депозит (омонат) сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” Қарори Тошкент ш., 2016 йил 16 январь, 1/2-сон

1.19. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг “Аҳолининг кенг қатлами, шу жумладан ёш оилалар учун уй-жой қурилишини ва реконструкция қилишни молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” Қарори Тошкент ш., 2015 йил 18 декабр, 35/4-сон, № 19/10

1.20. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш” ҳақидаги Қарори. Тошкент, 2015 йил 22 июл,

1.21. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг “Тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” Қарори Тошкент ш., 2015 йил 22 июл, 19/14-сон

1.22. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг “Тижорат банклари томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” Қарори Тошкент ш., 2016 йил 16 январ, 1/10-сон.

1.23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида” Фармони. 2017 йил 7 февраль.

1.24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5177-сон «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони. 2017 йил 2 сентябрь.

1.25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПК-3270-сон «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори 2017 йил 12 сентябрь.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқлари ва асарлари

2.1. Мирзиёев Ш.М. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак”. Мамлакатни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи, 2017 йил 16 январь.

2.2. Ш.М.Мирзиёев. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. Т. 2016 й.-56 б.

2.3.Ш.М.Мирзиёев. Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги макъруза. Т.2016 7 декабрь. Ўзбекистон 48-б.

2.4. Ш.М.Мирзиёев. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халымиз билан қурамыз. Мазкур китобдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йил 1 ноябрдан 24 ноябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчилари вакиллари билан ўтказилган сайловолди учрашувларида сўзлаган нутқлари ўрин олган. Т.Ўзбекистон 2017 й. -48бет.

2.5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22.12.2017 й.

2.6. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш тараққиётимизнинг муҳим омилидир// Халқ сўзи. 07.12.2010 йил.

2.7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг БМТ саммити минг йиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи// Халқ сўзи, 20.09.2010 й.

III. Соҳага оид меъёрий ҳужжатлар

3.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф-4760-сон «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойиши. Т.2016 йил 17 декабрь.

3.2. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг “Ўзбекистон Республикасида давлат қиксқа муддатли қарз мажбуриятларини чиқариш тўғрисидаги” низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида” Қарори Тошкент ш. 5 март 2016 йил, № 5

3.2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг “Банкларнинг депозит (омонат) сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” Қарори Тошкент ш., 2016 йил 16 январь, 1/2-сон.

3.3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш” ҳақидаги Қарори. Тошкент, 2015 йил 22 июль.

3.4. Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйилган талаблар тўғрисида”ги Низом (рўйхат рақами 2693, 2015 йил 6 июль).

3.5. Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низом (рўйхат рақами 2709, 2015 йил 13 август).

3.6. Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом (рўйхат рақами 2696, 2015 йил 14 июль)

3.7. Ўзбекистон Республикаси банкларида депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома (рўйхат рақами 2711, 2015 йил 26 август).

3.8. “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида”ги Низом (03.06.2013 й. № 2465)

IV. Асосий адабиётлар

4.1. Абдуллаева Ш., Файзуллаева М., Галак О. Банковский менеджмент и маркетинг. Учебное пособие. / - Т.: "ИҚТИСОД-МОЛИЯ", 2007. - 182 с.

4.2. Абдуллаева Ш. «Банк иши», Т.: “Молия” 2010 й.

4.3. Банковские операции: учеб. пособ. для средн. Проф. Образования / под ред. Ю.И. Коробова. – М.: Магистр, 2007. – 446 с.

4.4. Банковские операции: учебное пособие / кол. авторов ; под ред. О.И. Лаврушина. - М.: КНОРУС, 2007. - 384 с.

4.5. Банковское дело: Учеб. / Под ред. Г. Белоглазавой, Л. Кроливеской -

СПб: Питер, 2008. - 400с.

4.6. Лобанова Т.Н. “Банки: организация и персонал” Практическое пособие. М: БДС-Пресс, 2004

4.7. О.А Ортиқов, И.Я Қуллиев "Банк менежменти ва маркетинги" фанидан ўқув қўлланма.Т.Молия 2013 й.

4.8. Ларионова Л.В. Управление активами и пассивами коммерческого банка - М.: Консалтбанкир, 2003.

4.9. Муллажонов Ф.М. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси банк тизими. Т."Ўзбекистон" 2011.

4.10. Паничкина Г.Г. Краткий курс по маркетинговым исследованиям: учеб. пособие / Г.Г. Паничкина. – М.: Издательство «Окей - книга», 2009. – 108 с. – (Скорая помощь студенту. Краткий курс.)

4.11. Панова Г.С.Анализ финансового состояния коммерческого банка – М.:Финанси и статистика, 1996.

4.12. Питер С. Роуз Банковский менеджмент. Предоставление финансовых услуг: пер. с англ. 2-е изд., - М.: Дело Лтд, 1997.

4.13. Рашидов О.Ю. ва бошқалар. Пул муомаласи, кредит ва молия. Ўқув қўлланмаси. ТДИУ. 2006. 310 б.

4.14. Тожиев Р.Р., Жумаева С.Ҳ Халқаро молия. Ўқув қўлланмаси. ТДИУ. 2010. 156 б.

4.15. Тоймухамедов И.Р. Банк иши. Т.: “ТДИУ”. 2010 йил

4.16. Фазилова С. Управление активами и пассивами: основные вопросы - Спр. Сент.банк Р.Уз., Сентр экономических исследований и статистики -Т.: Шарк, 1997.

4.17. Саттаров О.Б. “Тижорат банклари ликвидлилини бошқариш”. Монография-Т.: "Экстремум Пресс", 2010 йил.

4.18. Норқобилов С.Х. “Халқаро амалиётда банк назорати”. Магистрлар учун дарслик.- Т.: "Иқтисод-Молия", 2007йил.

4.19. Лаврушина О.И. “Устойчивость банковской системы и развитие банковской политики” монография/ коллектив авторов. –М.: КНОРУС, 2014.

– 280 с.

4.20. Анализ инвестиционных проектов: Учебное пособие М.С.Ангелиди., Н.Г.Каримов. Ташк. фин. ин-т. – Т.: 2000. – 88 с.

4.21. Аладьин В.В. Инвестиционная деятельность субъектов Российской федерации. /В.В. Аладьин. – М: Социум, 2002. С.17.

4.22. Бочаров В.В. Инвестиции: Учебник для вузов. 2-е изд.- СПб.: Питер, 2008.- 384с. Ил.- (Серия “Учебник для вузов”)

4.23. Ғозибеков Д.Ғ., Носиров Э.И, Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш. Рисола “IQTISOD-MOLIYA” нашриёти, 2007. 92-б.

4.24. Ғозибеков Д.Ғ., Сабилов О.Ш., Мўминов А.Ғ., Қулжонов О.М. Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти. - Т.: “Fan va texnologiya”, 2004. - 308 б.

4.25. Ғозибеков Д.Ғ., Собиров О.Ш. Лизинг и его развития в Ўзбекистане. - Т.: «Молия», 2001. - 132 с.

4.26. Инвестиции: Учебник /С.В.Валдайцев, П.П. Воробьев и др.; Под ред. В.В. Ковалева, В.В. Иванова, В.А. Лялина. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2007. с.17

4.27. Инвестиции: Учебное пособие /Г.П. Подшиваленко, Н.И. Лахметкина, М.В. Макарова и др. –М.: КНОРУС, 2007. С.7. (Финансовая академия при Правительстве РФ).

V. Қўшимча адабиётлар

5.1. Altmann.Altmann J. Wirtschaftspolitik : 7. Auflage/ .Altmann. -Stuttgart: CIP-Einheitsaufnahme, 2000. -692 p.

5.2. Dictionary of Foreign Trade, by F.Henus, Sec.Ed.№4. 1947, p.387

5.3. Шарп У., Александер Г., Бэйли Дж. ИНВЕСТИЦИИ: Пер. с англ. – М.: ИНФРА-М, 2006. – XII, С.1.

5.4. Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш муаммолари. – Т.: 2002. иқтисод фанлари доктори диссертацияси автореферати, 11-14-б.

5.5. Иминов О.К. Бозор иқтисодиёти шароитида кредит тизими ва уни такомиллаштириш йўллари. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. –Т.: 2002, -38 б.;

5.6. Тухтабоев У.А. Муаммоли кредитлар ва уларни бартараф этиш йўллари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. –Т.: 2007, -20 б.

5.7. Бердияров Б.Т. Тижорат банклари актив операцияларининг даромадлилиги. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. – Т.: 2002, -19 б.;

5.8. Нафасов Д.Б. Тижорат банклари рискларини бошқаришнинг назарий ва амалийасосларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси автореферати –Т.: 2017, -49 б.; С

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

6.1.Бозор, пул ва кредит// №1-12 2017. №1-4, 2018 йил.

6.2. Банк ахборотномаси, газетаси 2017 йил №1-52, 2018 йил № 1-14.

6.3. Ўзбекистон Республикасининг Статистика ахборотномаси, 2009-2017 йиллар

6.4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисоботлари, 2009-2017 йиллар

6.5. АТ “Халқбанк”ининг йиллик ҳисоботлари 2009-2017 йиллар

6.6.“Ахбор Рейтинг” Миллий Рейтинг агентлиги тахлилий тўпламлари. 2010- 2017 йиллар.

6.7. Нафасов Д. Банк рискларини бошқаришнинг зарурлиги ва асосий мезонлари. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №1, февраль, 2017 йил.

VII.Интернет сайтлари

7.1. www.cbu.uz

7.2.www.bankinfo.uz

7.3.//www.ipotekabank.uz

7.4. www.finance. uz

7.5. www.Lex. uz

7.6. www.Norma.uz